

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК**

**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси  
тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат” кафедраси**

**Эгамбердиев Хасан Ҳамза ўғли**

**ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**5A240124 – Тергов фаолияти**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар: ю.ф.д. И.Астанов**

**ТОШКЕНТ 2020**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
<b>I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ .....</b>	<b>9</b>
1.1. Жиноят процессида терговга қадар текширув институтининг умумий тушунчаси ва унинг суриштирув ҳамда дастлабки терговдан фарқли жиҳатлари.....	9
1.2. Терговга қадар текширувни амалга оширишга асос бўлувчи жиноятга оид ариза ва хабарларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	19
<b>II БОБ. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....</b>	<b>25</b>
2.1. Терговга қадар текширув жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг турлари ва уларни ўтказишга қўйиладиган процессуал талаблар .....	25
2.2. Терговга қадар текширув давомида ўтказиладиган бошқа процессуал ҳаракатлар ва уларни ўтказиш тартиби.....	43
<b>III БОБ. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВНИ ТАМОМЛАШ ВА РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....</b>	<b>52</b>
3.1. Терговга қадар текширув жараёнини тамомлаш асослари ва турлари .....	52
3.2. Илғор хорижий мамлакатлар терговга қадар текширувга оид нормаларининг назарий-ҳуқуқий таҳлили ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари .....	62
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР .....</b>	<b>76</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:.....</b>	<b>80</b>

## Кириш.

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳалардаги сингари суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ислоҳотлар ҳақида мамлакатимиз президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдирган: “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямиздаги ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишига ва фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишига, ҳамда уларни таъминланишига замин яратади.

Ушбу ислоҳотларнинг бош мезони эса, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари бўлиб, тамойил сифатида барча қонун нормаларининг мазмунига чуқур сингдирилган.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистонни 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрь санасида “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ– 442-сон Қонуни қабул қилинган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши натижасида ишни судга қадар юритиш босқичи такомиллаштирилди ва унинг натижасида терговга қадар текширув институти жиноят процессининг алоҳида мустақил босқичи мақомини олди. Муқаддам суриштирув органлари мақомида бўлган субъектлар ўзгартириш ва қўшимчалар билан терговга қадар текширув органлари дея эътироф этилди. Терговга қадар текширув органларидан бўлган алоҳида субъектларнинг терговга қадар текширув доирасида тезкор тадбирлар

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 16-13-бетлар.

Ўтказишга ваколатли экани белгиланди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-майда ПҚ–3723-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”га кўра: “Терговга қадар текширув ва суд босқичларида ишларни кўриб чиқишда ярашув институтини кўллаш доирасини кенгайтириш, терговга қадар текширув жараёнига жалб этилган, шунингдек, жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушланган шахсларнинг процессуал мақомини аниқлаштириш, терговга қадар текширув жараёнида жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида айрим процессуал ва тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг оптимал механизмларини яратиш” каби вазифалар илгари сурилган<sup>2</sup>. Бу каби қонунчиликдаги янгиликлар эса терговга қадар текширув институтини янада такомиллаштириш заруратини туғдиради. Ушбу ўзгартиришлар киритилишига асосий сабаб ишни судга қадар юритиш босқичини соддалаштириш, унинг ўтказилиш муддати ва ишлар кўрилиш муддатининг қисқартирилишга эришиш, дастлабки тергов органларининг иш ҳажмини камайтириш орқали ишларнинг ҳар томонлама пухта ва сифатли кўрилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ва ҳимоя қилинишини жиноят процессида тўлиқ таъминлашдир.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ушбу магистрлик диссертациясининг объектини Ўзбекистонда терговга қадар текширув институти ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот ишининг предметини терговга қадар текширув ва ушбу фаолият давомида ўтказиладиган кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари билан боғлиқ илмий-назарий масалалар, шунингдек, хорижий мамлакатларда терговга қадар текширувни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда мамлакатимизда терговга қадар текширув босқичини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш КОНЦЕПЦИЯСИ // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018-й., 06/18/5547/1975-сон) <https://lex.uz/docs/3735818> . (Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил)

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Жиноят процессида терговга қадар текширув фаолияти ва унинг жиноят процессида тутган ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш, терговга қадар текширув фаолияти амалиётини чуқур ўрганиш ва амалиётда юзага келаётган муаммоларни таҳлил қилиш орқали уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

***Тадқиқот ишининг юқоридаги мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланди:***

- терговга қадар текширув фаолияти умумий тушунчаси ва моҳиятини, терговга қадар текширув институтининг суриштирув ва дастлабки тергов институтларидан фарқли жиҳатларини тўлиқ очиқ бериш;

- терговга қадар текширув органларининг судга қадар иш юритиш босқичида амалга оширадиган процессуал ҳаракатлар доирасининг аниқ чегараларини белгилаш;

- терговга қадар текширув органлари томонидан процессуал тергов ҳаракатларни амалга ошириш, мажбурлов чораларини қўллашга доир ваколатларни аниқ белгилаш;

- терговга қадар текширув давомида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусияти, тергов ҳаракатини ўтказиш тартибини ёритиб бериш;

- жиноят процессида терговга қадар текширув институти бўйича хориж тажрибасини ўрганиш;

- шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари самарадорлигини таъминлаш мақсадида терговга қадар текширув фаолиятини таҳлил этиш орқали, уни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқиш.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Жиноят-процессуал ҳуқуқи доирасида терговга қадар текширувни амалга ошириш юзасидан бир неча процессуалист олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Хусусан,

мамлакатимиз олимларидан Д.М.Миразов<sup>3</sup>, Ш.Ф.Файзиев<sup>4</sup>, И.Ж.Бабамурадов, Б.Э.Бердиалиев, М.А.Саттаров, А.А.Султонов<sup>5</sup>, О.Д.Алланазаров<sup>6</sup>, Б.Н. Рашидов<sup>7</sup>, А.А. Тўйчиев<sup>8</sup>, Г.З. Тўлаганова<sup>9</sup>, Б.А. Ражабов<sup>10</sup>, Ш. Акрамов<sup>11</sup> ва бошқа ўзбек ҳуқуқшунос олимлари ўз илмий иш ва мақолаларида терговга қадар текширув институтини қисман ўрганишган.

Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш масалалари бўйича МДХ мамлакатларидаги ҳуқуқшунос олимларидан А.С.Лизунов<sup>12</sup>, Т.С.Симонова<sup>13</sup>, В.М.Тарзиманов<sup>14</sup>, Л.В.Головко<sup>15</sup>, Я.А.Гаджиев<sup>16</sup>, А.М.Королев<sup>17</sup>, Ю.Б.Чупилкин<sup>18</sup> ва бошқа олимлар бир қатор илмий изланишлар олиб боришган.

---

<sup>3</sup> Миразов Д. М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 75 б.

<sup>4</sup> Файзиев Ш.Ф. Суриштирув органларининг жиноят-протсессуал фаолиятини такомиллаштириш муаммолари: автореф. дис. док. юрид....ном. Тошкент, 2009.

<sup>5</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 122 бет..

<sup>6</sup> Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилишда ҳимоячи иштирокини такомиллаштириш масалалари // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Масьул муҳаррир юридик фанлари доктори А.А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -314 б.

<sup>7</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масьул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 149 б.

<sup>8</sup> Тўйчиев А.А. Терговга қадар текширув жараёнида ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланишнинг амалий муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011 й. – № 3.

<sup>9</sup> Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: автореф. дис. док. юрид....фан. Тошкент, 2009.- 211б.

<sup>10</sup> Ражабов Б.А. Жиноят-процессуал гувоҳлантириш – жиноятнинг очилишига ёрдам берувчи кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Масьул муҳаррир юридик фанлари доктори А.А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -314б.

<sup>11</sup> Акрамов Ш. Жиноят ишлари юзасидан суриштирувни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Одил судлов Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, - 2018. - № 9.

<sup>12</sup> Лизунов А.С. Доследственная проверка как часть досудебного производства: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2017. С 207.

<sup>13</sup> Симонова Т.С. Проверка повода и установление основания для возбуждения уголовного дела : автореф. дис. ... канд. юрид. наук :12.00.09 / Симонова Тамара Самвеловна. – Барнаул, 2007. – 25 с.

<sup>14</sup> Тарзиманов В.М. Процессуальные аспекты проведения проверки сообщения о преступлении : автореф. ... дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 / Тарзиманов Вадим Мухтарович. – Челябинск, 2014. – 28 с.

<sup>15</sup> Головко Л.В. Реформа уголовного процесса во Франции // Государство и право. – Москва.: – 2001. – № 8. – С. 144.

<sup>16</sup> Гаджиев Я.А. Стадия возбуждения уголовного дела в системе Российского уголовного судопроизводства: автореф. ... дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 / Гаджиев Яхья Анверович. – Москва, 2015.

<sup>17</sup> Королев, А. М. Сущность предварительной проверки сообщения о преступлении // Современное право. – Н.Новгород.: - 2011. – № 7.

<sup>18</sup> Чупилкин, Ю. Б. Гарантии защиты прав личности в стадии возбуждения уголовного дела // Российская юстиция. – Москва.: – 2010. – № 2.

### **Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.**

Диссертация олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда тизимли ва қиёсий услублар асосий методлар бўлди. Зарур ҳолларда эса расмий юридик таҳлил методларидан, ҳуқуқ нормаларининг шархланишидан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундаки, унда терговга қадар текширувни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тўғрисидаги хулосалар чиқарилганлиги, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда терговга қадар текширувнинг мазмун-моҳияти ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилганлиги билан белгиланади. Ушбу тадқиқот юзасидан тўпланган маълумотлар асосида терговга қадар текширув институтининг назарий, амалий ва ҳуқуқий муаммоларини топиш ва уларга ҳуқуқий ечим бериш бўйича аниқ таклифларни киритишга ҳаракат қилинган. Тадқиқот ишида баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг амалий фаолиятида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ушбу тадқиқот ишнинг илмий янгилиги сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, терговга қадар текширув институти Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябр куни қабул қилинган “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–442-сон қонуни билан жиноят процессининг алоҳида босқичи бўлиб кирганлиги ва ҳозирги кунга қадар терговга қадар текширув фаолиятига тегишли масалалар кенг ўрганилмаганлиги ва ушбу фаолият юзасидан илмий тадқиқот олиб борилмаганлиги билан изоҳланади. Бироқ фикримизча, юртимизда суд-ҳуқуқ тизими ривожланиб бораётган бир даврда айнан шу муаммога бағишланган илмий-тадқиқот

ишларининг кўпайишини замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Шу сабабли ушбу илмий тадқиқот ишида айнан терговга қадар текширувни амалга ошириш масаласига тўхталиб, ушбу фаолиятни ривожланган хорижий мамлакатларда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида фикр юритилди. Шунингдек, энг илғор хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида мамлакатимизда терговга қадар текширувни амалга ошириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 79 бетни ташкил қилади. Тадқиқот ишини ёзишда 20 дан ортиқ илмий адабиётлардан фойдаланилган.

# **I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

## **1.1. Жиноят процессида терговга қадар текширув институтининг умумий тушунчаси ва унинг суриштирув ҳамда дастлабки терговдан фарқли жиҳатлари**

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси қабул қилинди. 1995 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган мазкур Кодексга шу кунга қадар элликдан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Кодексга ишни судга қадар юритиш босқичи билан боғлиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар моҳиятидан келиб чиқиб, уларни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич 1994-2012 йилларни қамраб олади. Жиноят-процессуал Кодекснинг 2012 йилга қадар бўлган таҳририга кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шартлилиги белгиланган эди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги қонунига асосан суднинг жиноят иши қўзғатиши мумкин бўлган субъектлар доирасидан чиқарилиши суд ҳокимиятининг ишни кўриб чиқиш жараёнидаги тўла холислигини таъминлади. Ушбу қонун талабига кўра, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида фақат суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ўз ваколатлари доирасида жиноят иши қўзғатиши мумкинлиги белгиланди. Иккинчи босқич 2012 йилдан 2017 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши орқали суриштирув институти такомиллаштирилди ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичидаги субъектлар қаторига терговга қадар текширув органлари янги тузилма сифатида киритилди. Бу, ўз навбатида, учинчи босқични юзага келтирди. Мазкур босқичда асосий эътибор ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигини олдини олиш, бу босқичда

уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кафолатлашга асосий эътибор қаратилди<sup>19</sup>.

Жиноят процессида терговга қадар текширув фаолияти жиноят процессининг дастлабки ва энг аҳамиятли босқичи бўлиб ҳисобланади. Чунки, айнан мана шу дастлабки босқич давомида жиноят ҳодисаси содир этилганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарлар синчиклаб текширилиб ва атрофлича ўрганилиб ҳуқуқий баҳо берилади. Якуний натижада эса жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд келиб тушган ариза ёки хабарда жиноят эмас балки, маъмурий ёки бошқа хил турдаги ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлса, ушбу ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақида қарорлардан бири қабул қилинади.

Терговга қадар текширув ўтказиш деганда жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни бажариш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарор қабул қилиш жараёни тушунилади<sup>20</sup>.

Терговга қадар текширув ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ариза, хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- аризалар ва хабарларни текшириш, ҳал этиш ва унинг муддатларига риоя этиш;
- текширув натижалари ҳақида хабар бериш;
- ушланган шахс ҳуқуқлари (қонунийлик)ни тўлиқ таъминлаш.

Терговга қадар текширув ўтказишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодексининг 320<sup>2</sup>-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда: “**Терговга қадар текширув** – жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш

<sup>19</sup> Бердиалиев Б.Э. Ишни судга қадар юритиш тартибини соддалаштиришга оид айрим мулоҳазалар// Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиқни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Масъул муҳаррир юридик фанлари доктори А.А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -141 б.

<sup>20</sup>Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 8 б.

учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва хужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. Терговга қадар текширув мазкур Кодекснинг 39<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган органлар томонидан ушбу Кодекснинг 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Терговга қадар текширув суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкин” - деб белгилаб қўйилган<sup>21</sup>. Ушбу терговга қадар текширув тушунчаси ва терговга қадар текширув фаолиятининг жиноят процессида алоҳида институт бўлиб шаклланиши Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентабрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан мустаҳкамланди.

Терговга қадар текширув серқиррали тушунча бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида жиноят ишини қўзғатиш, уни қўзғатишни рад этиш масалалари ҳал этилади<sup>22</sup>. Шунингдек, терговга қадар текширув тўпланган материаллар юзасидан жиноий қилмиш мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга йўналтирилган тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ҳуқуқий адабиётларда келтирилганидек, терговга қадар текширув босқичи жиноят процессининг мустақил институти ҳисобланади ва умумэътироф этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда унга ҳам жиноят процессининг барча хусусиятлари хос деган хулосага келиш мумкин. Ушбу босқичнинг ҳам ўзига хос мустақил процессуал вазифалари мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодексига мувофиқ, келиб тушган хабарда жиноят аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, тайёрланаётган ёки содир этилиши режалаштирилган жиноятлар ҳақида етарлича маълумотлар тўплаш ва жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш каби асосий вазифалар мавжуд. Терговга қадар текширув фаолияти натижасида фуқароларнинг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари жиноий тажавузлардан ҳимоя

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . (Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил)

<sup>22</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001 й. – Б. 156–157.

килинади ҳамда ушбу фаолият натижасида шахс, жамият ва давлатга етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилади. Терговга қадар текширув фаолияти жиноятга оид ариза ва хабарлар ушбу фаолиятни олиб бориш ваколатига эга бўлган органларга келиб тушгандан, яъни ариза ва хабарлар жиноятга оид ариза ва хабарларни қайд қилиш китобига расмийлаштирилгандан то жиноят иши кўзгатишган ёки жиноят ишини кўзгатиш рад этилган вақтгача бўлган муддатда давом этади ва бу муддат ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Жиноят-процессуал Кодексининг 320<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ терговга қадар текширув фаолиятини суриштирувчи, терговчи ёки бевосита прокурорнинг ўзи ҳам амалга ошириши мумкин. Ушбу шахслар ўзларига берилган ваколатларига мувофиқ терговга қадар текширув фаолияти билан шуғулланидилар ва терговга қадар текширув фаолияти юзасидан якуний қарор қабул қиладилар. Шу ўринда терговга қадар текширув фаолиятини олиб борувчи субъектлар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 39<sup>1</sup>-моддасида терговга қадар текширув фаолиятини амалга оширувчи органлар келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра: “Терговга қадар текширув қуйидагилар органлар томонидан амалга оширилади:

1) ички ишлар органлари;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) давлат хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган

тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6) чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича;

9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича;

10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича, шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича;

11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.

12) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича.

13) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича<sup>23</sup>.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ушбу фаолияти давомида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг мақсадига эришиш, яъни одил судловни таъминлашга хизмат қиладиган қуйидаги вазифаларга эга:

1) жиноятларнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириш;

2) далилларни тўплаш ва сақлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириш;

3) жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириш;

4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириш<sup>24</sup>.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан, жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, Жиноят-процессуал Кодекси қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона хизмати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли. Тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади” – деб белгилаб қўйилган.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил

<sup>24</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 6 б.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 329-моддаси иккинчи бандида жиноий таъқибни амалга оширувчи органларининг фаолияти самарадорлигига тўсқинлик қилаётган, жиноятларни фож этишга кўмаклашувчи органларнинг холислигига салбий таъсир кўрсатаётган камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Ушбу камчилик, 2016 йилнинг 25 апрель куни ЎРҚ–405-сон қонуни билан ЖПКнинг 329-моддасига ўзгартиш киритилиб, жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув даврида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари доираси аниқ белгиланганлиги, унга кўра терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида уни амалга оширувчи мансабдор шахслар томонидан “тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш” ваколати киритилганлиги, бироқ, терговга қадар текширув давомида Жиноят-процессуал Кодексида ҳам, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ҳам айнан қайси тезкор-қидирув тадбирлари, қимларга нисбатан ўтказиш масалалари тартибга солинмаганлиги билан изоҳланади.

Жиноят процессида терговга қадар текширув босқичининг қонунийлиги инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш билан узвий алоқадордир. Жиноят ишини қўзғатиш, инсон категорияси нуқтаи-назаридан, қанчалик адолатли кечса, ҳуқуқий давлат барқарорлиги ҳам шу қадар ривож топади. Бунга эришмоқ учун эса, жиноят жараёнида қонунийлик принципининг изчил таъминланиши талаб этилади<sup>25</sup>.

Қонунийлик принципи тўғрисида сўз юритар эканмиз, таъкидлаб ўтишимиз зарурки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда фуқароларимиз ҳуқуқлари чекловчи бир нечта номувофиқликни кўришимиз мумкин.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга бағишланган 17-моддасида жиноят процессида судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган

---

<sup>25</sup> Ўразаев Ш.З. Қонун устунлигини таъминлаш – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2001. – № 3 (15). – Б. 82–85.

шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шартлилиги белгиланган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентабрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан жиноят-процессуал қонунчилигимизда терговга қадар текширув институти жорий этилганлиги ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар жиноят процессининг субъекти этиб белгиланган. Лекин юқоридаги Жиноят-процессуал Кодексининг шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга бағишланган 17-моддасида ушбу субъектлар келтириб ўтилмаган ва бу шундан далолат берадики, ушбу босқичда фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш таъминланиши шарт эмас ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар бунга маъсул эмас.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда терговга қадар текширув босқичида шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш белгиланмай қолмасдан уларнинг бундай ҳуқуқлари бузилган тақдирда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахснинг процессуал ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам чекланган (ЖПК 27-модда). Энг ачинарли жиҳати эса терговга қадар текширув босқичи ЖПКнинг 33-моддасига мувофиқ мамлакатимизда қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишга маъсул бўлган прокурорларнинг назорат объектига кирмайди.

Бизнинг фикримизча, жиноят-процессдаги ушбу муаммолар бартараф этилса, қонунийлик принципи таъминлангани билан бир қаторида процесс иштирокчилари ва бошқа шахсларнинг ҳам ҳуқуқларини бузилишини олди олинган бўлар эди.

Жиноятга оид берилган ариза ва бошқа хабарлар юқорида кўрсатиб ўтилган органлар томонидан терговга қадар текширув фаолияти давомида ўрганилиб чиқилади ва якуний қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 329-моддасига биноан: “Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади” – деб белгилаб қўйилган. Ушбу муддат Жиноят-процессуал муддатлар тоифасига кириб, унга М.Х. Кадирова қуйидагича фикр билдирган: “Жиноят-процессуал муддатлар – процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши ёки бажаришдан ўзларини тийишга оид процессуал қонунда кўрсатилган ёки унга биноан жиноят ишини юритишга масъул шахслар томонидан белгиланган муддатлардир<sup>26</sup>”. Ушбу фикрга қўшимча қиладиган бўлсак, жиноят ишини юритишга масъул ходимларга қонун билан белгиланган тартибда жиноят иши юзасидан муайян ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят ходисаси юзасидан яқуний қарор қабул қилиш учун қонун билан белгиланган муддат белгиланган бўлиб, терговга қадар текширув муддати ҳам жиноятга оид ариза ва бошқа хабарларни атрофлича ўрганиб, келиб тушган хабарда жиноят аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириб кўриш учун қонун билан белгиланган муддат ҳисобланади.

Терговга қадар текширув фаолиятини жиноят процессидаги суриштирув ва дастлабки тергов босқичларидан фарқлаш лозим. Чунки, айрим ҳолатларда терговга қадар текширув фаолиятини дастлабки тергов ҳаракатларини ичига қўшиб юбориш ҳолатлари мавжуд. Қуйида терговга қадар текширув фаолиятини жиноят процессининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларидан фарқли жиҳатлари ҳақида сўз юритамиз:

---

<sup>26</sup>Кадирова М. Х. “Жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш: зарурият ва имкониятлар” /12.00.09 – Жиноят процесси; криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси/ юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация/ Тошкент – 2011. (215-бет) 28-б.

**Биринчидан,** терговга қадар текширув фаолияти жиноят иши қўзғатилмасдан олиб бориладиган ҳаракатлар мажмуаси ҳисобланади. Яъни терговга қадар текширув фаолиятини олиб борилаётганда жиноят иши қўзғатилмаган бўлади. Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини жиноят ишини қўзғатмасдан олиб бориш мумкин эмас.

**Иккинчидан,** терговга қадар текширув фаолияти давомида тўпланган маълумотлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Дастлабки терговда тўпланган маълумотлар эса айблов хулосасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Учинчидан,** терговга қадар текширув муддати ЖПКнинг 329-моддасига кўра 10 сутка ва қўшимча текшириш талаб қилинадиган ҳолатларда бир ойгача узайтирилиши мумкин. Дастлабки тергов муддати эса ЖПКнинг 351-моддасига асосан 3 ой этиб белгиланган. Алоҳида ҳолатларда жиноят ишининг кенг қамровлилигини инобатга олинган ҳолда Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари томонидан 7 ойгача узайтирилиши мумкин. Суриштирув муддати эса ЖПКнинг 381<sup>7</sup>-моддасига асосан бир ой қилиб белгиланган ва прокурор томонидан йигирма кунгача узайтирилиши мумкин.

**Тўртинчидан,** терговга қадар текширув фаолиятида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ қилиб белгилаб қўйилмаган. Суриштирув ва дастлабки терговда эса иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

**Бешинчидан,** терговга қадар текширув фаолияти давомида фақатгина ЖПКнинг 329-моддаси 2-қисмида белгиланган тергов ҳаракатларни амалга ошириш мумкин ва ушбу белгиланган тергов ҳаракатларидан четга чиқиб бошқа бир тергов ҳаракатларини амалга ошириш қатъиян тақиқланади. Суриштирув ва дастлабки тергов даврида эса жиноят ишидан келиб чиқиб ЖПКда белгиланган барча тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин.

**Олтинчидан,** терговга қадар текширув фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар доираси кенг бўлиб ЖПКнинг 39<sup>1</sup>-моддасида белгиланган, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи субъектлар доираси эса

чекланган, яъни суриштирув ЖПКнинг 38-моддасида белгилаб қўйилган 5 та субъект томонидан амалга оширилади:

- 1) ички ишлар органларининг;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилади.

Дастлабки тергов эса 344-моддасига асосан 3 та субъект, яъни прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан амалга оширилади.

## **1.2. Терговга қадар текширувни амалга оширишга асос бўлувчи жиноятга оид ариза ва хабарларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Жиноят ҳақидаги ариза, хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Терговга қадар текширув амалга оширилиши ҳар бир терговга қадар текширув фаолиятини олиб боровчи субъектларнинг локал ички ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, терговга қадар текширувни амалга оширилиши шарт бўлган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш, ҳал этилган материаллар юзасидан қабул қилинган қарорларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритишнинг ҳамда ушбу жараёнларни назорат қилишнинг ягона тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 15 декабрдаги «Иш юритишга доир айрим масалаларни тартибга солиш тўғрисида»ги 176-сонли буйруғи билан белгиланган. Бугунги кунда терговга қадар текширув фаолияти билан Ички ишлари органлари бошқа органларга қараганда кўпроқ шуғулланади. Жиноят ва

ходисалар тўғрисида келиб тушган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг 2016 йил 12 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли буйруғи талабларига биноан рўйхатга олинади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар мазмуни, рўйхатга олиш шакли ва кўриб чиқиш тартибига кўра икки гуруҳга бўлинади:

**биринчидан**, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлиги ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлмаган жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар – дархол ҳал қилинади;

**иккинчидан**, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлиги ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган жиноятга оид ариза, хабарлар ва бошқа маълумотлар – прокуратура органларига келиб тушган ва жиноят-процессуал қонунга кўра жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўладиган жиноятнинг яққол изларига оид маълумотлар акс этган ариза ва хабарлар<sup>27</sup>;

Жиноятлар ҳақидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар прокуратура органларида алоҳида китобда (Шакл-1) рўйхатга олинади (илова №1) ва уларга махсус муҳр қўйилади.

Мурожаатлар юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, текшириш ҳужжатлари жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни ҳисобга олиш китобига қайд этиб қўйилади.

Ички ишлар органларида жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар 1-шакл китобида бошқа маълумотлар эса – 2-шакл журналида рўйхатга олинади.

1-шакл китоб ва 2-шакл журнал қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар навбатчилик қисмида сақланади ва ички ишлар органи навбатчиси ёки унинг ёрдамчиси томонидан тўлдириб борилади, улар ўз навбатчилиги давомида жиноятлар ва бошқа ҳодисалар ҳақида келиб тушадиган барча маълумотларни ушбу йўриқнома талабларига биноан рўйхатга

---

<sup>27</sup>Саҳаддинов С. “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар” (Махсус қисм) (Илмий-амалий шарҳ) – Тошкент.: “Янги аср авлоди” – 2014. – 19 б.

олиб борадилар ва кейинчалик қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ёзувларни киритиб боради<sup>28</sup>.

Жиноят ҳақидаги хабарларни текшириш (терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи) ёки хабарни текширишни ташкил этиш ҳуқуқига ёки ваколатига эга бўлган мансабдор шахс, хабарда мавжуд бўлган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида дарҳол қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга ошириши шарт:

- жиноятнинг олдини олиш ва содир этилган жиноят ёки ҳодисанинг оғир оқибатлари юзага келишига йўл қўймаслик;

- жиноят аломатларини аниқлаш, жиноят изларини расмийлаштириб олиш учун сақлаш, шунингдек, расмийлаштириб олиниши талаб этилаётган ашёвий далилларни олиш ва эксперт текшируви ўтказишга топшириш;

- жиноятга тайёргарлик кўраётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда жиноят устида ёки «иссиқ изидан» ушлаш учун тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

- жиноят ҳақидаги хабар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги ва унинг натижалари бўйича 24 соатдан ошмаган вақт ичида, тегишли орган раҳбарига кейинги текширув ишларини ташкил этиш учун ахборот бериш<sup>29</sup>.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, жиноят иши қўзғатишга сабаб бўлувчи жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан ЖПКнинг 330-моддасига мувофиқ – жиноят ишини қўзғатиш, ишни қўзғатишни рад қилиш, ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорлар қабул қилиниши ЖПКнинг 329-моддасида ўрнатилган муддатларда (дарҳол, 10 кун, алоҳида ҳолларда прокурор розилиги билан 1 ойда) ҳал этилиши ва бу ҳақда

---

<sup>28</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 42 б.

<sup>29</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 8 б.

аризачига ёзма равишда хабар қилиниши шарт<sup>30</sup>. Кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек, шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш ва тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар келиб тушганда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, навбатчи ёки ижрочи уларни дарҳол текшириш чораларини кўради.

Ички ишлар органларида илгари телефон орқали берилган хабарга асосан 2-шакл журналида рўйхатга олинган ҳолат ҳақида мансабдор шахсдан ёзма хабар келиб тушган вақтда ёки оғзаки хабар асосида текширилаётган ҳолат бўйича муайян фуқародан ёзма ариза ёхуд хабар олинганида, 2-шакл журналининг тегишли устунига олинган маълумот шаклининг ўзгарганлиги тўғрисида қўшимча белги қўйилади ва жиноят ҳақида кўрсатилган ариза ёки хабар 1-шакл китобига ўтказилади.

Жиноят ҳақидаги маълумот тасдиқланган тақдирда 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилади. Прокуратура органларида эса шакл-1 китобига тегишли маълумот киритилиб қўйилади.

Жиноят ҳақида тасдиқланган маълумот 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилганида билдирги орқали у илк бор ички ишлар органига келиб тушган санаси (соат, дақиқа) билан қайд этилади. Кейинчалик жиноят ҳақида фуқаронинг аризаси ёки давлат ёки жамоат ташкилотининг хабари ички ишлар органига келиб тушган вақтидан қатъи назар, дастлабки бу хабарни қайд этиш санасидан бошлаб ҳал қилиш муддати бошланади<sup>31</sup>.

Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига келиб тушган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар зудлик билан 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналида рўйхатга олинади ва бу ҳақда тегишли идора бошлиғига

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил

<sup>31</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 43 б.

ахборот берилади. Унинг кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал Кодекси ва юқорида келтириб ўтилган йўриқнома талабларига мувофиқ ташкил этилади. Ахборот бериш вақтигача ҳал қилинмаган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги ҳар қайси ариза ёки хабар бўйича ички ишлар органининг бошлиғи (ёки унинг вазифасини бажараётган шахс) ўрнатилган талабларга мувофиқ белгиланган муддатларда кўриб чиқиши тўғрисида ижро этувчига ёзма равишда кўрсатма бериши шарт. Ариза ва хабарларни кўриб чиқишнинг аниқ муддати 2-шакл журналида мажбурий тартибда қайд этилади. Ички ишлар органининг навбатчиси 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали бўйича навбатчилик куни давомида кўриб чиқиш муддати ўтиб ҳал этилмай қолган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг рўйхатини кўрсатиб билдирги ёзади ва уни бошлиқ ёки унинг вазифасини бажарувчисига тегишли чора кўриш учун топширади.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ўтказилаётган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги материалларни, агарда уларда мавжуд бўлган маълумотлар яққол жиноят аломатларини кўрсатиб, жиноят ишини кўзғатиш учун қарор қабул қилишга етарли асослар бўлса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга бериш тақиқланади<sup>32</sup>.

Терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг жиноят иши кўзғатиш тўғрисида чиқарган қарори ёки жиноят иши кўзғатишни рад этиш қарори терговга қадар текширувни амалга оширувчи органининг бошлиғи томонидан тасдиқланади. Қарорни тасдиқлаш вақтида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бошлиғи мавжуд ҳужжатларни мукамал ўрганиши, ходим томонидан қарорни тўғри, тўлиқ ва холисона қабул қилганлигига шахсан ишонч ҳосил қилиши шарт. Жиноят ишини кўзғатиш асоссиз рад этилган ҳолларда у қўшимча текширув ўтказилишини ташкил этади.

Келиб тушган жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни текшириш давомида унда акс этган ҳодиса бошқа туман ёки шаҳар ҳудудида содир этилганлиги аниқланганда терговга қадар текширув ўтказаетган терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи ариза ёхуд хабарни

---

<sup>32</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 46 б.

Ўтказилган текширув материаллари билан бирга тегишлилигига кўра юбориш ҳақида қарор чиқаради. Қарорда ариза ёки хабар қандай асосга кўра юборилаётганлиги кўрсатилиши керак. Ҳудудий жиҳатдан тегишлилиги бўйича жўнатилган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар уларни жўнатган идора ҳисобидан чиқариб, қабул қилган органда қайтадан рўйхатга қўйилади. Ушбу ҳолатда ҳуқуқни қўллаш амалиётида бази бир номувофиқликларга дуч келишимиз мумкин, яъни ариза ёки хабарни тегишлилиги бўйича юборишнинг аниқ процессуал муддати белгиланмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар **беш кунлик** муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақида мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши кўрсатилган. Лекин мазкур қонуннинг 1-моддасида қонуннинг амал қилиш, кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган<sup>33</sup>. Шу сабабли ҳам ушбу вазиятда беш кунлик муддат терговга қадар текширув органларига нисбатан ҳам татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 335-моддасида эса жиноят тўғрисидаги ариза (хабар)ни терговга тегишлилигига қараб юбориш тартиби кўрсатилган бўлиб, ариза (хабар)ни терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туман (шаҳар)да ўтказиш зарур бўлган

---

<sup>33</sup> “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” Қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/-3336169> . Мурожаат этилган сана (15.04.2020 йил).

ҳоллардагина йўл қўйилади, дея белгиланган<sup>34</sup>. Жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни бир органдан бошқасига ёки бир органнинг алоҳида бўлимлари ўртасида ўтказиш масаласининг аниқ белгиланмаганлиги ариза ва хабарларни ўз вақтида қўриб чиқиш ва қонуний муносабат билдиришнинг асоссиз чўзилиб кетишига, мурожаат қилган шахснинг у органдан бу органга бориб ортиқча оворагарчиликларга сабаб бўлишига олиб келмоқда. Шунингдек, мурожаатни тегишлилигига кўра қабул қилиб олишда бошқа тергов органи ҳам муддатни ЖПК талабидан келиб чиққан ҳолда ўн кунлик доирада олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида мурожаатларнинг янги шакли – электрон мурожаатлар тушунчаси қонунчиликка киритилди. Лекин мазкур тушунча жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва қонуний қарор қабул бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида аризаларга тенглаштирилган ҳолда қўриб чиқиладиган бўлсада, жиноят-процессуал қонунчиликда ўз аксини топмаган.

Юқоридаги ЖПК нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу қонуннинг 329-моддасида кўрсатилган муддат, ариза ва хабарлар тегишлилигига кўра юборилганда муддат қачондан бошланиши масаласини очиқ қолмоқда. Амалиётда эса терговга қадар текширув органлари мурожаатни ўз иш юритувига олган вақтдан, қайта 10 кунлик муддатда белгиланмоқда. Буни эса жинойий таъқибни амалга оширувчи органларининг фаолияти самарадорлигига тўсқинлик қилаётган, жиноятларни фож этишга кўмаклашувчи органларнинг ҳолислигига салбий таъсир кўрсатаётган муаммо сифатида баҳолаш мумкин.

---

<sup>34</sup> Кадирова М.Х. Жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш: зарурият ва имкониятлар. /12.00.09 – Жиноят процесси; криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси. автореф.дис...юрид.фан.ном. – Тошкент, 2011. – Б.36.

## II БОБ. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.

### 2.1. Терговга қадар текширув жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг турлари ва уларни ўтказишга қўйиладиган процессуал талаблар.

Терговга қадар текширув жиноят процессининг илк босқичи бўлганлиги сабабли, унда иш юритувини бошлаш асослари мавжудлиги текширилиши барчага аён. Лекин ушбу текширув қонун томонидан белгиланган чегаралар ва меъёрлар доирасида амалга оширилиши шарт. Жиноят процессуал қонунчиликда терговга қадар текширув ўтказишнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгиланган<sup>35</sup>.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тергов ҳаракатларига аниқ таъриф бериб ўтилмаган бўлсада, тергов ҳаракатларини ўтказишдан мақсад ва уларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, тергов ҳаракатларига қўйидагича таъриф бериш мумкин: *Тергов ҳаракатлари деганда*, жиноят ишини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳал қилиш мақсадида иш учун аҳамиятли бўлган далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ва мустаҳкамлаш учун ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар тушунилади<sup>36</sup>.

*Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари деганда* содир этилган жиноятнинг (ҳодисанинг) хусусиятлари, яъни содир этиш усули, жойи, вақти, уни содир этган шахснинг кимлиги, шунингдек, жиноят аниқлангунга қадар ўтган вақтни ҳисобга олган ҳолда ушбу жиноятни очиш ва фош этиш мақсадида тез ва мантиқий изчилликда амалга оширилиши талаб этиладиган тергов ҳаракатлари тизими тушунилади<sup>37</sup>.

Терговга қадар текширувни амалга оширишда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларининг таркиби қатий чекланган бўлиб, Жиноят-процессуал Кодексининг 329-моддаси иккинчи қисмида келтириб ўтилган шахсни **ушлаб**

<sup>35</sup> Миразов Д. М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 25 б.

<sup>36</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 93 б.

<sup>37</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 21 б.

**туриш** ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ **шахсий тинтув** ва **олиб қўйиш**, **ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш**, **экспертиза ўтказиш**, **тафтиш** тайинлаш тергов ҳаракатларидан иборат<sup>38</sup>. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинган.

Терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи тергов ҳаракатларидан қайси бирини биринчи навбатда ўтказиш масаласини ҳал этишда ушбу тергов ҳаракатлари ўтказилиши кечиктирилганда ундан кутиладиган натижа ижобий бўлмаслигини ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган излар ва маълумотлар йўқолиши мумкинлиги инобатга олиши лозим.

Терговга қадар текширув давомида ўтказиладиган **шахсни ушлаб туриш** процессуал мажбурлов чораси Жиноят-процессуал Кодекснинг 221-моддасида санаб ўтилган асослардан бири мавжуд бўлганда Жиноят-процессуал Кодекснинг 224-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу асослар қуйидагилардан иборат:

- 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- 2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Ушлаб туриш жиноят судлов вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда қўлланадиган превентив процессуал мажбурлов чораларидан биридир. Ушлаб туриш жиноий фаолиятга чек қўйиш, ҳуқуқбузар қилмишининг олдини олиш, башарти унинг шахси номаълум бўлса, уни аниқлаш, процессуал ҳаракатларда унинг иштирокини таъминлаш, далилларни йўқ қилиш, қалбакилаштириш, гувоҳларни кўндириш ва бошқа

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил

ноқонуний хатти-ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишнинг олдини олиш мақсадларида қўлланилади<sup>39</sup>.

Шахс ушлаб турилганда терговга қадар текширув муддати 24 соатгача қисқаради, яъни 24 соат ичида жиноят ишини қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш масаласи ҳал этилиши шарт<sup>40</sup>. Бунда шахс ушлаб турилгандан сўнг 24 соат ичида унинг ушлаб туриш асослари текширилиши, тегишли ҳужжатларни талаб қилиб, қўздан кечириш каби процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши лозим.

Ушлаб туришнинг ҳуқуқий табиати ва моҳияти энг мунозарали масалалардан биридир. В.В. Вандишевнинг фикрича, "...ушлаб туриш интегратив характерга эга бўлиб, унда мажбурлов ва далилий ахборотларни олиш элементлари мужассамланган. Бироқ ҳуқуқ-тартиботнинг замонавий тенденцияларига кўра, унда тергов ҳаракатларининг элементлари мажбурлов элементларидан устунлик қилади. Шунинг учун ушлаб туришнинг эҳтиёт чоралари ва бошқа мажбурлов чораларидан ўзгача процессуал расмиёлаштирилиши бежиз эмас<sup>41</sup>.

Агар шахснинг асоссиз ушлаб турилганлиги аниқланса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ушлаб турилган шахсни озод қилиш тўғрисида қарор чиқарилиши лозим. Шу билан бирга, шахс ушлаб турилганда агар жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинадиган бўлса, ушбу шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш, унга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарур ёки зарур эмаслиги масаласи ҳам ҳал этилиши шарт<sup>42</sup>. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун ушланган шахснинг жиноятга алоқадорлигини исботловчи далиллар тўпланиши, жумладан унинг шахсини тавсифловчи маълумотлар йиғилиши керак. Шахс ушланганда дарҳол айнан унинг жиноят содир этганлигини аниқлаш мақсадида камида икки нафар холислар иштирокида шахсий тинтув

<sup>39</sup> Иноғомжоновна З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов чоралари. // Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2006. – Б.25-33.

<sup>40</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 52 б.

<sup>41</sup> Вандишев В.В. Расследование преступлений (термины и определения). // Справочник.: – Краснодар: 1998. – С.28.

<sup>42</sup> Миразов Д. М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 32 б.

ўтказилади. Ушбу ҳаракатлар белгиланган тартибда баённомада расмийлаштирилади.

Шахсни ушлашда унинг қуйидаги ҳимояланиш ҳуқуқлари таъминланиши талаб этилади:

– қандай жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушланганлигини тушунтириш;

– адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, яъни гаплашиш, SMS ёки мобил интернет ёрдамида хабар юбориш имконини яратиш;

– кўрсатувлар бериш ёки кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқини тушунтириш;

– берган кўрсатувлари жиноят ишига оид далил сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини маълум қилиш.

Ушбу ҳуқуқлардан биронтаси таъминланмаслиги ҳимояланиш ҳуқуқи бузилиши тариқасида баҳоланиб, олинган далиллар номақбул деб топилишига асос бўлади.

Терговга қадар текширув давомида ўтказиладиган энг муҳим тергов ҳаракатларидан бири бўлган **ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш** – иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати. У ўз ичига содир этилган ҳодисанинг тавсифи, жиноятчи шахси, жиноят мотивларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳодиса жойининг ҳолатини ўрганиши, ҳар хил излар ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш ва қўлга киритиш каби ҳаракатларни қамраб олади.

Содир этилган жиноят ҳақида хабар олгач, башарти унинг фош этилиши ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни талаб қилса, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси (суриштирувчи, терговчи) зудлик билан ҳодиса содир бўлган жойга бориши ва уни кўздан кечиришни амалга ошириши зарур.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни кечиктирмасдан, ўз вақтида амалга ошириш керак. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс жиноий ҳодиса содир этилганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин дарҳол

ходиса жойига етиб бориши лозим. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга чиқишни кечиктириш, жиноий ҳодиса содир этилган ҳолат ва вазиятнинг ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин. Баъзи жиноятлар бўйича ҳодиса жойидаги ҳолат узоқ муддатга сақланиб турмайди. Автотранспорт ҳодисаси, бахтсиз ҳодисалар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, ҳодиса жойига чиқишни кечиктириш жиноий ишдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан ашёвий далилларнинг йўқотилиши ёки воқеа ҳолатининг ўзгариб кетишига олиб келиши, об-ҳаво ёмғир, қор ва бошқалар таъсирида баъзи излар йўқ бўлиб кетиши мумкин<sup>43</sup>

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда терговга қадар текширувни амалга ошираётган тезкор вакил ёки бошқа ходим жиноятнинг тавсифини атрофлича аниқлаши, шу билан бирга, жиноятга дахлдор шахслар ёки фактлар тўғрисида маълумотлар тўплаши зарур. Бу маълумотларни олиш учун аввал муайян тадбирларни амалга ошириш ва ушбу маълумотларни сақловчи манбаларни аниқлаш зарур. Ушбу манбалар шартли равишда иккига бўлинади:

- 1) излар, нарсалар ва бошқа моддий объектлар;
- 2) жиноят ва унинг тафсилотларидан хабардор шахслар.

Юқоридаги манбаларни аниқлаш ҳодиса содир бўлган жойда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг асосий талаби ҳисобланади. Бунга эришиш учун терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс ҳодиса содир бўлган жойда қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишлари зарур:

– ҳодиса содир бўлган жойда бўлган шахслар ёки ҳодиса ҳақида бирор-бир маълумотга эга фуқароларни аниқлаб, улардаги маълумотларни тўплаш учун тезкор-қидирув тадбирларини олиб бориш;

– жиноятчи ёки жабрланувчининг ҳодиса жойига келиш ёки кетиш йўллари аниқлаш мақсадида, қилмиш содир этилган ҳудуд атрофида жойлашган хонадонларда яшовчи фуқаролар, жиноят кўп қаватли уйнинг хонадонида содир этилган бўлса, кўни-қўшнилар, уй-жой мулкдорлари

---

<sup>43</sup> Статкуса В.Ф. Следы на месте происшествия: // Справочник следователя. - М.: ЭКЦ МВД России, 1991. - С. 53.

ширкатининг ходимлари, корхона ёки муассасада содир этилган бўлса, шу ерда ишлайдиган барча ходимлар ва раҳбарлар билан сўровлар ўтказиш;

– гувоҳлар, ашёвий далиллар ва бошқа маълумотларни аниқлаш мақсадида ҳодиса содир бўлган жой атрофидаги ҳудудда жойлашган хонадонларни бирма-бир айланиб чиқишни ташкил қилиш<sup>44</sup>.

Катта ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш терговга қадар текширув органининг бир нечта мансабдор шахси, бир нечта суриштирувчи ёки терговчилар томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда ҳар бир гуруҳнинг ҳаракатида камида икки нафар холис иштирок этиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин уларни сақлаш чоралари кўрилиши лозим.

Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса – маъмурият вакилининг, ҳарбий қисмда, штабда ва муассасада ўтказилса – қўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши шарт. Давлат сирларига эга бўлган нарсалар ва ҳужжатларни фақат махсус рухсатга эга бўлган терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи худди шундай рухсатга эга бўлган холислар иштирокида кўздан кечиради.

Нарса ва ҳужжатлар улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик тергов ўтказилаётган жойда кўздан кечирилади. Кўздан кечириш нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Кўздан кечириш ўтказилганлиги ҳақида ЖПКнинг 141-моддасида кўрсатилган талабларга биноан баённома тузилади. Кўздан кечириш баённомаси бу тергов ҳаракатининг ўтказилганлигини ва унинг олиб борилишида барча аниқланганларни қайд қилувчи асосий, мажбурий восита ҳисобланади. Баённоманинг йўқлиги кўздан кечириш натижасини исботловчи кучдан маҳрум қилади, чунки баённома далилларни мустаҳкамловчи процессуал восита, далиллар манбаи ҳисобланади. Баённомада терговчининг

---

<sup>44</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018. – 57 б.

барча ҳаракатлари баён қилинади, шунингдек, кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади.

Кўздан кечириш баённомасида тергов ҳаракатини ўтказиш пайтида топилган нарсаларнинг барчаси батафсил, тўлиқ қайд этилиши керак. Баённомада иш учун аҳамияти бўлган барча ҳолатни қайд этиш керак, бироқ бу борада объектларни ўта майдалаштириб, чегарадан чиқиб кетмаслик лозим.

Баённомада кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади. Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қандай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим<sup>45</sup>.

Агар кўздан кечиришда мутахассис иштирок этган бўлса, баённомада унинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилади. Баённомада мутахассис қайси ҳаракатларни бажаргани, қайси илмий-техника воситаларидан фойдалангани ва қандай натижаларга эришгани кўрсатилиши керак.

Баённомага фотосурат расмлари, режалар, чизмалар, изларнинг қолиплари ва нусхалари илова қилиниб, бу ҳақда унда қайд этилади.

Баённома тузилганидан кейин у кўздан кечиришни ўтказишда иштирок этган шахсларга ўқиб эшиттирилади, улар эса ўтказилган ҳаракатлар бўйича ўз мулоҳазаларини унга киритишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу ҳуқуқ уларга тушунтирилганлиги тўғрисида баённомада қайд этилади. Барча мулоҳазалар

---

<sup>45</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 22-23 бет.

албатта баённомага киритилиши лозим. Баённома терговга қадар текширув органи мансабдор шахси (терговчи ёки суриштирувчи) ҳамда кўздан кечиришни ўтказишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Ҳодиса содир бўлган жойни умумий кўздан кечириш пайтида статик усул қўлланилади, унинг мазмуни шундан иборатки, ҳодиса содир бўлган жойнинг кўздан кечирилиши уларда бўлган объектларни жойни бузмасдан кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ бўлади. Бу усулнинг қўлланилиши ҳодиса содир бўлган жойнинг ўзгармас дастлабки кўринишида қайд этилишини кафолатлайди.

Умумий кўздан кечиришдан сўнг суриштирувчи ёки терговчи батафсил кўздан кечиришга ўтади, бунинг натижасида ҳодиса содир бўлган жойда мавжуд бўлган барча объектларни тўлиқ кўздан кечириб чиқади.

Амалиётда ҳодиса содир бўлган жой бўйлаб ҳаракатланишнинг уч асосий усули қўлланилади:

- 1) эксцентрик – терговчи марказдан четга қараб спирал бўйлаб ҳаракатланади;
- 2) концентрик – четдан марказга қараб спирал бўйлаб ҳаракатланади;
- 3) фронтал – ҳодиса содир бўлган жойни унинг бир четидан бошқа четига чизик бўйлаб ҳаракатланиш орқали текширилади<sup>46</sup>.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг четдан марказга қараб (концентрик) усули ҳодиса содир бўлган жойнинг четидан унинг марказига қараб спиралсимон юриш қилиб кўздан кечиришдан иборат бўлади. Марказ асосида энг муҳим бўлган объект тушунилиши мумкин (масалан, жасад, бузиб очилган сейф, жиноятчи томонидан қолдирилган предмет) ёки фаразли нуқта бўлиши мумкин.

Четдан марказга усулини қуйидаги ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) агар ҳодиса содир бўлган жойнинг марказини аниқлаш қийин бўлса;
- 2) агар ҳодиса содир бўлган жойга юришда эътибордан четда қолган излар бузилиб қолиши мумкин;
- 3) агар четда бўлган излар умуман йўқ бўлиб кетиш хавфи бўлса ва

---

<sup>46</sup> Закурлаев А.К., Базарова Д. Криминалистика. // Дарслик. – Тошкент.: ТДЮУ, 2015. – 203 б.

марказдаги изларни сақлаб қолиш ҳеч қандай шубҳа уйғотмас.

Марказдан четга (эксцентрик) усули марказдан четга қараб спиралсимон юриш асосида амалга оширилади ва ҳодиса содир бўлган жойнинг марказидан унинг четига қараб амалга оширилади. Бу усул, одатда, очиқ жойда амалга оширилади, агарда ҳодиса содир бўлган жойнинг чегараларини аниқлаш мумкин бўлмаса.

Бир чизик бўйлаб (фронтал) кўздан кечириш майдонларни бир чизик асосида кўздан кечиришдан иборат бўлади ва уларнинг яқинда бўлган чегараларидан узоқ чегараларига қараб амалга оширилади. Бу усул кўздан кечириладиган жойнинг катта бўлганлиги учун ва уни маълум чизикларга бўлиб чиқиш имконияти мавжуд бўлганида амалга оширилади.

Бир чизик бўйлаб кўздан кечириш пайтида ҳодиса содир бўлган жой муфассал равишда тадқиқ этилган бўлиши керак, чунки жиноят содир этган шахснинг пойабзали изларини, у томонидан қолдирилган предметларни, жиноят қуролини, жиноят содир этган шахснинг кийимидан қоладиган микрозарраларни, тўсиқларни синдириш қуролларини аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи ва мутахассис кўздан кечириш пайтида динамик усулни қўллашлари мумкин бўлади (объектлар бунда бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтилади, ағдариб кўздан кечирилади, сурилади).

Объектлар ёки уларнинг қисмлари, агар уларда жиноят излари аниқланса, бевосита фотосуратга олинади узвий ва деталли усулларда, шундан сўнг зарурий равишда олинishi шарт. Агарда бу объектлар ёки қисмларни олиш имконияти бўлмаса, улардан қолиплар ва изларнинг қолиплари олинади.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган объектлар ўралади ва муҳрланади. Ишнинг натижалари ва оқибатларига манфаатдор бўлган шахсларда ҳодиса содир бўлган жойдан олинган объектларнинг алмаштирилганлигига оид шубҳалар пайдо бўлмаслиги учун олинган объектларни ўраш жараёни бевосита холислар иштирокида ўтказилади. Ҳар бир объект ўралиб, тегишли ёрлик ёрдамида муҳрланган ҳолда баённомага илова қилинади ва ёрлик масъул мансабдор шахс ва холисларнинг имзолари билан тасдиқланади. Агар ўрамни очиш зарурияти

туғилса, у холислар иштирокида очилиши лозим. Агарда бу холисларнинг иштирок этиш имконияти бирор-бир сабабларга кўра татбиқ этилмаса, бу ҳолларда ўрам ёрлиғи холислар иштирокида кўздан кечирилиб, баённомада қайд этилиб, шундан сўнг ўрам очилади ва нарсани кўздан кечириш баённомасига илова қилинади.

Терговга қадар текширув фаолияти давомида ўтказиладиган яна бир тергов ҳаракатидан бири – бу **экспертиза ўтказиш** бўлиб, ЖПКнинг 173-моддасида белгиланган тўққизта ҳолат юзасидан экспертиза ўтказилиши шарт ҳисобланади.

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва уларнинг тури мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа хужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа ғавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда<sup>47</sup>.

Д.А.Харченко “экспертиза – жиноят ишини мазмунан тўғри ҳал қилиш мақсадида терговчи ёки суд томонидан берилган экспертиза объектлари бўйича хужжатлар ёки фактик маълумотларни таҳлил қилишдан иборат махсус билимлардан фойдаланишнинг асосий шакли ҳисобланади” деб ёзади<sup>48</sup>. Экспертиза икки хил хусусиятга эга, бир томондан, у илмий (техник ёки бошқа турдаги) тадқиқот, иккинчи томондан, далилий фактларни аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракатдир.

**Экспертиза** – терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суд ажримига асосан тайинланадиган, жиноят учун муҳим бўлган фактик маълумотларни аниқлаш мақсадида тадқиқ этиш учун юборилган объектларни экспертнинг фан, техника, санат, касб-ҳунар соҳалари бўйича махсус билимлардан фойдаланиб текшириши ва унинг бу ҳақида хулоса шакллантиришдан иборат тергов ҳаракатидир<sup>49</sup>.

Экспертиза мустақил тергов ҳаракати сифатида процессуал қоидалар талабларига мос равишда ўтказилиши шарт. Экспертиза жиноят иши кўзғатилмасдан олдин ҳам тайинланиши мумкин. Экспертиза тайинлаш учун аввало асос бўлиши зарур. Ушбу асос процессуал ва тергов ҳаракатлари натижасида олинган маълумотларни махсус текширув ўтказиш орқали аниқлаштириш зарурлигида ифодаланади. Бундай заруратнинг мавжудлиги экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда баён этилиши орқали эксперт томонидан текшириш ўтказиш мажбуриятини юзага келтиради. Экспертиза тайинлаш

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил

<sup>48</sup> Харченко Д.А. Судебная экспертиза в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Иркутск: Восточно - Сибирский инс., 2006. – С. 17.

<sup>49</sup> Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Монография. - Т.:ТДЮУ, 2018. – 325 б.

тўғрисидаги қарорда, Жиноят-процессуал Кодексининг 180-моддасида белгиланганидек, экспертиза тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар, юборилаётган ашёлар ва бошқа объектлар, ушбу объектларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги, объект сифатида жиноят (терговга қадар текширув) иши материаллари тақдим этилаётганда эксперт хулосаси асосланиши керак бўлган ишдаги материаллар, яъни тушунтириш хатлари, сўроқ ва кўздан кечириш баённомалари ҳамда уларнинг иловалари, фотосурат ва чизмалар, ҳал этиш учун қўйилаётган саволлар, экспертизани ўтказувчи муассаса ёки экспертнинг фамилияси кўрсатилиши керак. Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда экспертнинг фамилияси кўрсатилаётган бўлса, экспертнинг муомала лаёқатига эгаллиги, қасддан содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати, шунингдек, Жиноят-процессуал Кодексининг 76, 78-моддаларида белгиланган ҳолатлар йўқлиги текширилиши шарт<sup>50</sup>. Шунингдек, қарорда эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳамда жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги ҳақидаги қайдлар ёзилиши мумкин. Экспертиза тайинлаётганда бу ҳақда қарор чиқараётган масъул шахс эксперт билан маслаҳатлашиши мумкин.

Умумий жиҳатдан экспертиза 3 таркибий қисмдан иборат бўлади:

- 1) экспертиза тайинлаш;
- 2) экспертиза ўтказиш;
- 3) экспертиза хулосасини баҳолаш.

Амалиётда терговга қадар текширув жараёнида гумон қилинувчини химояланиш ҳуқуқи билан таъминлашга салбий таъсир этувчи муаммолардан бири сифатида гумон қилинаётган шахснинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларини таъминлаш масаласини келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 179-моддаси талабларига кўра гумон қилинувчи ва айбланувчи экспертиза ўтказилгунига қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиш; экспертни рад этиш; ўзи кўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинланишини илтимос қилиш; эксперт хулоса бериши учун

---

<sup>50</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 25 бет.

унинг олдига қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш; экспертиза ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчининг рухсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш; эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур модда мазмуни гумон қилинган шахсга ушбу ҳуқуқлардан терговга қадар текширувда фойдаланиш имконини бермайди. Терговга қадар текширувда ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахснинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишда фойдаланиши лозим бўлган юқоридаги ҳуқуқларга эга эмаслиги охир-оқибат дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи бузилишига олиб келмоқда.

Жиноят-процессул қонунчилигида биноан гумон қилинувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, бу жиноят ишини юритишнинг барча босқичида кафолатланиши белгиланган. Лекин “барча босқичлар” жумласи терговга қадар текширув босқичини ҳам қамраб оладими? Мазкур босқичда ҳам келгусида жиноий таъқиб остига олиниши мумкин бўлган шахс ҳимоя ҳуқуқига кўрсатма бермаслик, бераётган кўрсатувлари келгусида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиш, шунингдек ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилмаслик ҳуқуқига эгами? Бизга маълумки, ЖПКнинг 47-моддасига мувофиқ гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради ва шундан сўнг жиноят процессининг иштирокчисига айланади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида ушбу масалаларнинг аниқ ўз тартибини топмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳар хил ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, келгусида жиноий таъқиб остига олиниши мумкин бўлган шахсга у ҳали гумон қилинувчи сифатида жалб қилинмаганлиги сабабли ҳимоя ҳуқуқининг таъминланмаслиги билан боғлиқ.

**Тафтиш** деганда иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни текширилаётган юридик шахслар ва яқка тартибдаги

тадбиркорларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мақсадида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар тушунилади. Тафтиш терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори билан тайинланади.

Тафтиш – далилларни тўплаш усулларида бири саналиб, жиноят ишига оид маълумотларни текшириладиган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таққослаш усули орқали ҳақиқатни аниқлаш усули ҳисобланади<sup>51</sup>.

Қонун талабларига кўра, жиноят иши кўзғатилмаган бўлса, тадбиркорлик субъектининг фаолияти юзасидан тафтиш қилишга рухсат берилмайди. Терговга қадар текширув давомида тафтишни тайинлашга асосан текшириладиган жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар бўйича қонуний қарорни қабул масаласи тафтиш натижаларига боғлиқ бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган масалаларни ўрганиш солиқ, валютага оид, бухгалтерия тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тафтиш ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан иборатдир.

Зарур бўлган ҳолларда, текшириладиган субъектнинг ҳужжатлари ҳажми, фаолиятининг тури ва кўламлари ҳисобга олинган ҳолда, тафтиш муддати тафтиш ўтказувчи шахсининг асосланган илтимосномасига кўра суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тафтишнинг умумий муддати уни ўтказиш муддатлари узайтирилиши инобатга олинган ҳолда, суриштирув, дастлабки тергов ва суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилишнинг Жиноят-процессуал Кодексда белгиланган муддатларидан ошмаслиги керак.

Тафтиш ўтказувчи шахслар ўтказилган тафтиш натижаларига кўра

---

<sup>51</sup> Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Монография. - Т.:ТДЮУ, 2018. – 325 б.

далолатнома тузади.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома камида уч нусхада тузилади.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг барча нусхалари тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан имзоланади. Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига топширилади, у далолатноманинг барча нусхаларига олганлиги тўғрисида олиш санасини кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг қолган нусхалари тафтиш материалларига қўшиб қўйилади.

Тафтиш ўтказган орган тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг тасдиқланган кўчирма нусхасини қонуний чоралар кўрилиши учун тегишли ваколатли органга ҳам юборади<sup>52</sup>.

Процессуалист олим И.Астановнинг тафтиш далолатномаси тўғрисидаги “Тафтиш юзасидан шакллантирилган далолатномани ҳам юридик кучи нуқтаи назаридан ЖПКда далил манбаси сифатида киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки ушбу маълумотларга асосланиб жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Бундан ташқари тафтиш далилларни тўплаш усули ҳисобланади. Шу ҳолатни инобатга олиб, ЖПКнинг “Далилларнинг турлари” деб номланган 81-модданинг 2-қисмида “эксперт хулосаси” деган сўзлардан кейин “тафтиш юзасидан мутахассиснинг далолатномаси” сўзларини киритиш мақсадга мувофиқ” деган фикри диққатга сазовор<sup>53</sup>. Бизнинг фикримизча ҳам тафтиш далолатномасини далилларнинг турига киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари тўғрисида бир катор ҳуқуқшунос олимлар фикр юритган бўлиб, Б.А. Ражабовнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 221-моддасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туришнинг 4 та асоси келтирилган бўлиб, ушбу

---

<sup>52</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 26-27 бет.

<sup>53</sup> Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Монография. - Т.:ТДЮУ, 2018. – 332 б.

модданинг 3-бандида шахснинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилиши уни ушлаб туришга асос бўлиши кўрсатилган. Бу асос билан жиноят содир этишда гумон қилинган шахс Кодекснинг 224-моддасида белгиланган тартиб бўйича жиноят иши кўзғатилгунга қадар ҳам ушлаб турилиши мумкинлиги барчамизга маълум. Эътиборлиси шундаки, бунда шахснинг ўзида ёки кийимида содир этилган жиноятнинг яққол излари қандай процессуал ёки тергов ҳаракатлари натижасида аниқланиши мумкинлиги қоронғулигича қолиб кетмоқда. Бизнинг назаримизда, ушбу ҳолатда, албатта, гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш зарурияти юзага келади. Чунки, Жиноят-процессуал Кодексининг кўздан кечиришни белгиловчи нормаларида шахснинг баданини кўздан кечириш тўғрисидаги тартиб белгиланмаган. Унинг амалга оширилиши ЖПКнинг 142–147-моддалари асосида ўтказилиши мумкинлиги тўғрисида фикр келтирилган. Яъни, шахснинг баданидаги жиноятнинг излари, тирналган, шилинган, қонталаш жойлар ва доғларни аниқлаш жиноят-процессуал ҳуқуқда фақат гувоҳлантириш тергов ҳаракати натижасида аниқланади”. Бу фикрлардан хулоса қилганда, жиноят иши кўзғатилгунга қадар шахс ушлаб турилганда ҳам уни гувоҳлантириш зарурияти юзага келади. Бу эса, гувоҳлантиришни жиноят иши кўзғатилгунга қадар ўтказилиши масаласига ойдинлик киритишни талаб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гувоҳлантириш жараёнида иш учун зарурий аҳамиятга эга бўлган далиллар тўпланиши билан бир қаторда, жиноятнинг очилишига ҳам эришиш мумкин. Тергов ва суд амалиётида учраётган бир қатор ҳолатлар ушбу фикрнинг асосли эканлигини исботламоқда.

Масалан, номаълум шахслар томонидан тўққиз ёшли вояга етмаган фуқаро Л. нинг қизлик иффати бузилган ҳолатда, унинг бўйнидан сим арқон орқали уч маротаба ўраб бўғиш йўли орқали ўта ваҳшийлик билан ўлдириб кетилган жасади топилганлиги ҳолати юзасидан кўзғатилган жиноят иши бўйича туман ИИБга гумон қилинувчи сифатида олиб келинган Ф. исмли вояга етмаган шахс гувоҳлантирилганда унинг баданидан жабрланувчининг тирноғи ва тишидан қолган тирналган ва тишланган изнинг аниқланиши ушбу

жиноятнинг очилишига сабаб бўлган. Гувоҳлантириш ўтказилгандан кейин вояга етмаган Ф. нинг уйи тинтув қилинганда унинг уйи ювиниш хонасидан ички кийимлар қон доғлари билан бирга топилган. Терговчи томонидан тайинланган суд-биологик экспертизасининг хулосаси эса, Ф. нинг уйдан топилган ички кийимидаги қон гуруҳи жабрланувчининг қон гуруҳига айнанлигини тасдиқлаган<sup>54</sup>. Шу тариқа ушбу жиноятнинг очилишига эришилган<sup>55</sup>.

Бизнинг фикримизча ҳам кўздан кечиришни белгиловчи нормаларида шахснинг баданини кўздан кечириш тўғрисидаги тартиб белгиланмаганлиги сабабли ЖПК 221-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида кўзда тутилган шахснинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол изларини аниқлаш имконини берувчи гувоҳлантириш тергов ҳаракати ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин деган хулосага келишга ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатини кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида ЖПКнинг 329-моддасига киритиш зарур деган фикрга келиш имконини беради.

Бундан ташқари, экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракати жиноят иши қўзғатилганидан сўнг амалга оширилиши мумкин бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади. Аммо ЖПКнинг 329-моддасига мувофиқ экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертиза ўтказиш учун эса намуна олиш зарур бўлишини ҳисобга олган ҳолда экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини ҳам жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказишга рухсат берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу билан бирга амалиётда, вафот этган шахслар экспертиза марказларига текширув учун жўнатилмасдан қабрга кўмиб юборилаётгани биров вақт ўтгач марҳумнинг яқин қариндошлари унинг вафот этганлик ҳолати юзасидан

---

<sup>54</sup> Сурхондарё вилояти Узун тумани ИИБ ТБ томонидан 2006 йилда юритилган 14-06-17039-сонли жиноят иши материаллари.

<sup>55</sup> Ражабов Б.А. Жиноят-процессуал гувоҳлантириш – жиноятнинг очилишига ёрдам берувчи кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2018 йил 24 апрель) / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори А. А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 146 б.

жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш учун тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилишмоқда. Натижада аризани текшириш давомида мурдани эксгумация қилишга тўғри келмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддаси талабларига зид ҳисобланади. Чунки мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ҳам терговга қадар текширув вақтида ўтказиш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча эксгумация тергов ҳаракати ҳам кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари қаторига киритилса, амалиётда учрайдиган муаммоларни олди олинар эди.

## **2.2. Терговга қадар текширув давомида ўтказиладиган бошқа процессуал ҳаракатлар ва уларни ўтказиш тартиби**

Жиноят процессининг терговга қадар текширув босқичида тергов ҳаракатларини ўтказилиши билан бир қаторда бошқа процессуал ҳаракатларни ҳам ўтказиш мумкин. Ушбу процессуал ҳаракатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмида келтириб ўтилган ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш, терговга қадар текширув фаолияти давомида текширилаётган хабар бўйича шахсларга чақирув қоғози юбориш, терговга қадар текширув муддатини узайтириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар.

**Ҳужжатлар талаб қилиш** деганда корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида юритиладиган ёки муайян шахсда бўлган молия-хўжалик, шахсга оид, архив ҳужжатлари, йиғма жилдлар, баённомалар, тафтиш ёки хизмат текшируви дололатномалари, касаллик варақалари, хулосалар, маълумотнома, мутахассис маълумотномаси, қайд журналлари, қайдномалар, чипта, рухсатнома, тилхат, кўлёзма хатлар, расмий ҳужжатлар, қоралама ёзувларни сўраш тушунилади. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш расмий сўров хати орқали амалга оширилиши шарт<sup>56</sup>. Амалдаги Жиноят-процессуал Кодекс нормаларига назар ташлайдиган бўлсак, 329-модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган терговга қадар текширув

---

<sup>56</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 8 б.

давомида қўшимча ҳужжатлар, талаб қилиб олишнинг процессуал тартиби ва терговга қадар текширув органининг бундай ҳужжатни талаб қилиб олиш ваколати кўрсатилмаган. Лекин, жиноят процессининг суд ва судга қадар иш юритиш босқичларида бошқа жиноят-процесси иштирокчиларининг бундай ваколатлари ЖПКнинг тегишли нормаларида мустаҳкамланган, жумладан: Қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш – ЖПКнинг 201-моддасига асосан, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига кўра ўз ихтиёрларидаги ҳужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт<sup>57</sup>.

Шунингдек, ЖПКнинг терговчининг ваколатларига бағишланган 36-моддасида терговчининг ўз юритувидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги мустаҳкамланган бўлса, ЖПКни суриштирувчининг ваколатларига бағишланган 38<sup>1</sup>-моддасида суриштирувчининг ўз юритувидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги мустаҳкамланган<sup>58</sup>. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатларида эса бу каби ваколатлар кўрсатилмаган.

**Тушунтириш хатлари** муайян фуқаролар ва мансабдор шахслардан олинади. Ўз моҳиятига кўра, ушбу ҳаракат жиноят иши қўзғатилганидан сўнгра ўтказиладиган сўроқдан фарқ қилади. Агар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ишнинг барча ҳолатларини, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга йўналтирилган бўлса, тушунтириш хатлари жиноят ишини қўзғатиш учун асосларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни аниқлаштиришга йўналтирилади. Тушунтириш хатининг мазмуни терговга қадар текширув босқичида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар билан

<sup>57</sup> Саҳаддинов С. “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар” (Махсус қисм) (Илмий-амалий шарҳ) – Тошкент.: “Янги аср авлоди” 2014. 56-бет.

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил.

чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун тушунтириш хатлари фақат уларсиз жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда олиниши керак.

Терговга қадар текширув фаолияти юзасидан илмий изланиш олиб борган Д.М. Миразов тушунтириш хати олиш билан боғлиқ ўз фикрини баён этар экан тушунтириш хати олинаётган шахс ЖКнинг 238–240-моддалари билан жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиши лозим ҳамда шахсга ҳақиқий кўрсатмалар бериш бурчи мавжудлиги ҳақида эслатиб ўтиш ҳалақит қилмаслигини таъкидлайди<sup>59</sup>. Бизнинг фикримизча терговга қадар текширув давомида гувоҳни фақатгина ЖКнинг 240-моддаси билан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантириш мумкин яъни, терговга қадар текширув босқичида гувоҳ кўрсатув беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши билан боғлиқ ҳолатдагина жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиши мумкин, чунки ЖПКнинг гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган 66-моддасининг 4-қисмида гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши кўрсатиб ўтилган<sup>60</sup>. ЖКнинг ёлғон гувоҳлик бериш ва суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилишга бағишланган 238-239-моддаларидаги мавжуд жавобгарлик доираси эса терговга қадар текширув босқичидаги жавобгарликни қамраб олмайди, ушбу моддалар учун жавобгарлик суруштирув ва дастлабки тергов давомида белгилаган. Шунингдек, ЖКнинг 238-моддаси (Ёлғон гувоҳлик бериш)учун жавобгарлик судга қадар иш юритишнинг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларидагина амал қилишини, терговга қадар текширув давомида гувоҳнинг ёлғон кўрсатма берганлиги учун жавобгарлик белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга айтиб ўтишимиз керакки, амалдаги Жиноят-процессуал Кодексимизда тушунтириш олиш тартиби келтириб ўтилмаган, шу сабабли ҳам

---

<sup>59</sup> Миразов Д. М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 28 б.

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . (Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил)

Жиноят-процессуал Кодексига тушунтириш олиш тартибини назарда тутувчи янги норма киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Тезкор-қидирув фаолияти** – 2012 йил 12 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир.

2016 йилнинг 25 апрель куни ЎРҚ–405-сон қонун билан ЖПКнинг 329-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида уни амалга оширувчи мансабдор шахслар томонидан “тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш” ваколоти киритилди.

Кейинги масала шундан иборатки, жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув даврида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари доираси аниқ белгиланган. Бироқ, терговга қадар текширув давомида Жиноят-процессуал Кодексда ҳам, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ҳам айнан қайси тезкор-қидирув тадбирлари, кимларга нисбатан ўтказиш масалалари тартибга солинмаган.

Шунингдек, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун 15-моддасида Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослари кўрсатилиб ўтилган бўлиб унда суриштирув ва тергов органларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг эса кўрсатмаси ва топшириғи тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш учун асос бўлиши кўрсатиб ўтилган бироқ терговга қадар текширув органлари мансабдор шахсларининг бу борадаги топшириғини бажариши тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши ушбу қонунда ҳам ЖПКда ҳам белгиланмаган<sup>61</sup>. Жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл кўймаслик, содир этилган жиноятни тез ва тўла очиш, далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш, яширинган гумон

---

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/-2107763>. (Мурожаат этилган сана 17.04.2020 йил)

килинувчиларни ҳамда айбланувчиларни кидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш мақсадида ваколатли органлари томонидан ўтказиладиган тезкор-кидирув фаолияти ноошкора ва нопроцессуал характерга эга бўлса ҳам, у қонунийлик, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси ва бошқа принципларига катъи риоя қилинган ҳолда тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилиши шарт<sup>62</sup>.

Терговга қадар текширув фаолияти давомида текширилаётган жиноятга оид ариза ва хабарлар юзасидан қўшимча текшириш учун ушбу жиноятга оид бирон бир маълумотга эга бўлган шахслардан тушунтиришлар олиш талаб қилинади. Ушбу шахсларни терговга қадар текширув фаолиятига жалб қилиш учун алоҳида **чақирув хатлари** юборилади ёки техник алоқа воситалари орқали ушбу шахслар чақирилади. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда учрайдиган камчилик шундан иборатки, терговга қадар текширув давомида маълумотга эга шахсни терговга қадар текширув жараёнига жалб этиш учун чақириш масаласи амалдаги Жиноят-процессуал Кодексимизда ёритилмаган. Амалиётда терговга қадар текширув жараёнида маълумотга эга бўлган шахсларни чақириш чақирув хатларини юбориш орқали амалга оширилади. Чақирилувчи шахсларга чақирув қоғози юбориш ЖПКнинг 97-моддасига биноан амалга оширилади. Ваҳоланки, ушбу норма сўроқ қилиш учун чақириш тартибини белгиловчи норма бўлиб, терговга қадар текширувда фақатгина тушунтириш хати олинishi мумкин, сўроқ қилиш эса тақиқланади. Қолаверса, ушбу моддага биноан жиноят процессининг судга қадар иш юритув босқичида суриштирувчига, терговчига ва прокурорга чақирув қоғози билан чақириш ваколати белгиланган.

Ушбу моддага биноан чақирув хатини юбориш тартиби қуйдагича: “Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин.

Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг

---

<sup>62</sup> Пўлатов Б. Тезкор-кидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналі. –Т.: 2017№ 7. Б 37-38.

хузурига чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Қамоқда сақлаш жойларида, реабилитация марказларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар сўроқ қилиш учун мазкур жойлар ва муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади” – деб белгилаб қўйилган<sup>63</sup>.

Ушбу нормага норасмий шарҳ берадиган бўлсак, жиноят процессида иштирок этиш учун шахсларга чақирув қоғози юборилади. Ушбу процессуал ҳаракатдан кўзланган асосий мақсад чақирилган шахсларга чақирувга биноан ҳозир бўлиш ва сўроқ, тушунтиришлар олишда иштирок этиши мажбуриятини юклашдан иборат. Чақирув қоғозига аҳамият берадиган бўлсак, унда чақирилувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг; қачон ва қайси вақтда етиб келиши лозимлиги; қайси органга келиши лозимлиги; ким чақираётганлиги; нима мақсадда чақирилаётганлиги, чақирувга биноан келмаслик оқибатлари; чақирув қоғозини қайси манзилга юбориш лозимлиги, адвокатнинг юридик хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлиги кўрсатиб ўтилиши лозим.

Шу ўринда бир ўринли савол туғилади терговга қадар текширув босқичида жиноий тақиб остига олинган шахсни ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмаган бўлса, унинг ҳимоя ҳуқуқи қанақа қилиб таъминланади? Амалиётда терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар жиноий тақиб остига олинган шахсни гумонланувчи сифатида ишга жалб этиб процессуал хатога йўл қўймоқда чунки, ЖПКнинг 47-моддасига биноан шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи

---

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил

ёки прокурорнинг қарори билан амалга оширилади. Шунингдек, ЖПКнинг 24-моддаси талабларига кўра гумон қилинувчи ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти **суриштирувчи, терговчи ва прокурор** зиммасига юклатилган бўлиб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларда бундай ваколатлар мавжуд эмас бу эса терговга қадар текширув давомида жиноий тақиб остига олинган шахсни ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини таъминланмаслигига олиб келмоқда.

Чақирилувчи шахс белгиланган тартибда чақирув қоғозини олгандан сўнг чақирувга биноан ҳозир бўлиши мажбур ҳисобланади. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда уларга қонуний чора кўрилиши назарда тутилган. Қонуний чора сифатида ЖПКнинг тегишли моддаларига назар ташлайдиган бўлсак, ЖПКнинг 261-моддасида судга қадар иш юритув босқичида жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шартлилиги узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтирилиши кўрсатиб ўтилган<sup>64</sup>. Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган ЖПКнинг 66-моддасида ҳам гувоҳни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши агар узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261-264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин. Иккала нормада ҳам терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахснинг мажбурий келтириш билан боғлиқ ваколатлари келтирилмаган, шу сабабли ҳам амалиётда терговга қадар текширув жараёнида жиноий тақиб остига олинган шахс билан кечиктириб бўлмас терговга ҳаракатлари ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларни ушбу тергов ҳаракатларига жалб этиш билан боғлиқ муаммолар вужудга келмоқда.

Бизнинг фикримизча, ЖПКнинг терговга қадар текширув босқичида жиноий тақиб остига олинган шахсни ҳуқуқий мақомини белгилаш билан бир

---

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил

қаторда уларга процессуал тартибда чақирув хатлари юбориш тартибини ҳам белгилаш зарур.

Чақирув қоғозининг юридик аҳамияти шундаки, у чақирилаётган шахсга топширилиши билан унда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун етиб бориш мажбурияти пайдо бўлади. Яъни, бошқача айтганда, чақирув қоғози топширилмас экан, шахсда тегишли мажбурият юзага келмайди. Демак, чақирув қоғози юридик факт – процессуал ҳаракатларда қатнашиш мажбурияти вужудга келтирувчи асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари чақирув қоғози шахсга муайян бир мажбуриятни юклаши билан бир қаторда, чақирилувчи шахс ушбу мажбуриятни бузган тақдирда унга нисбатан бошқа мажбурлов чораси қўлланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бизга маълумки, жиноят процессининг ҳар бир босқичи алоҳида бир муддат билан белгилаб қўйилган ва маълум бир жиноят иши бўйича ўтказилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар ана шу муддат давомида амалга оширилиши ва атрофлича ўрганилиб якуний қарор қабул қилиниши лозим. Лекин истисно тариқасида қўшимча муддатлар ҳам белгиланган бўлиб, ушбу муддат жиноят иши ҳажмининг катта эканлиги, ҳамда кенг қамровли ва алоҳида ҳолатларни ўрганиб чиқишга белгиланган вақтнинг етишмаслиги сабабли процессуал муддатларни узайтиришни тақазо этади. Ушбу процессуал ҳаракат терговга қадар текширув фаолиятида ҳам мавжуд бўлиб, ЖПКнинг 329-моддаси 3-қисмида алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, унда: “Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлайётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

4) етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса<sup>65</sup>.

Терговга қадар текширувни амалга ошириш жараёнида белгиланган ўн кунлик процессуал муддатни узайтириш сабабини жиноят иши ҳажмининг катта эканлиги, ҳамда кенг қамровли ва алоҳида ҳолатларни ўрганиб чиқишга белгиланган вақтнинг етишмаслиги терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчининг бундай ҳолатларни асослантирилган қарорига кўра яъни нима сабабдан терговга қадар текширув жараёнини ўзайтириш кераклилигини асослаб берган тақдирда тегишли ҳудуд прокурори томонидан терговга қадар текширув жараёни бир ойгача узайтирилиши мумкин. Терговга қадар текширув жараёнини ўзайтириш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар ўз ифодасини топиши зарур:

- 1) Қарор чиқарувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми, шарифи;
- 2) Иш ҳолатининг тавсифи ва бошқа хусусиятлари;
- 3) Терговга қадар текширув муддатини узайтириш зарурати;
- 4) Тегишли ҳудуд прокурорининг ушбу қарорга розилигини ёки қаршилигини тасдиқловчи устихати.

Терговга қадар текширув жараёнини ўзайтириш тўғрисидаги қарорда ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги қарорнинг процессуал талабларга мос тузилганлигини ифодалайди. (илова №2)

---

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил

### **III БОБ. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВНИ ТАМОМЛАШ ВА РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Терговга қадар текширув жараёнини тамомлаш асослари ва турлари**

Терговга қадар текширувни тамомлаш деганда, жиноят ҳақидаги хабарни текшириш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш натижасида тўпланган ҳужжатлар мазмунига кўра мазкур материалларни ҳал қилиш, жиноят иши кўзғатишни рад этиш ёки терговга қадар текширув материалларини жиноят ишини кўзғатиб суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ўтказиш жараёни тушунилади<sup>66</sup>.

Терговга қадар текширув органларининг фаолияти жиноят-процессуал ва тезкор қидирув функцияларини бажаришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексига биноан, терговга қадар текширувнинг вазифалари белгилаб қўйилган бўлиб, терговга қадар текширув органлари қуйидаги мақсадларда зарур бўлган ва кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга оширадилар:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик;
- 2) далилларни тўплаш ва сақлаш;
- 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш;
- 4) жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш.

Терговга қадар текширув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, Жиноят-процессуал Кодекс қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техник воситаларни қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилган<sup>67</sup>.

---

<sup>66</sup> Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 27 бет.

<sup>67</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 130 б.

Терговга қадар текширувни тамомлаш асосларидан келиб чиқиб, терговга қадар текширувни тамомлашнинг қуйидаги **турларга** ажратиш мумкин:

- 1) жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор чиқариш;
- 2) жиноят ишини қўзғатиш ва ишни суриштирув ёки дастлабки тергов юритиш учун юбориш ҳақидаги қарор чиқариш;
- 3) амнистия актига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритиш орқали.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш жиноят ҳодиса билан боғлиқ текширув материалларини икки асосга кўра ҳал этиш бўлиб, биринчидан, хабарда акс этган маълумот асоссиз ёки ушбу хабар жиноят ҳақида бўлмаган ҳолларда иш юритувини тамомлаш, иккинчидан, жавобгарликни айблилик масаласига ойдинлик киртилмасдан ҳал этиш мумкин бўлганда иш юритувини тамомлашни тақозо этади. Шу билан бирга, заруриятсиз расмиятчилик ва қоғозбозликнинг олдини олишга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор қонуний ва асосланган бўлиши шарт, акс ҳолда жиддий қонун бузилиши юз бериб, шахс ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келиши мумкин.

Жиноят иши қўзғатишни рад этиш билан боғлиқ терговга қадар текширувни тамомлаш асослари мос равишда Жиноят-процессуал кодекснинг 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1,3-8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси прокурорга юборилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ЖПКнинг прокурорнинг ваколатлари белгиланган 34 ва 382-моддаларида суриштирув ва дастлабки тергов органлари

томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши ва ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун содир этилган жиноятларга оид маълумотларни талаб қилиб олади деб кўрсатилган. Ушбу нормани мазмунидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, прокурор фақатгина судга қадар иш юритишнинг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларга аниқ ва бир хилда амал қилиши устидан назоратни амалга ошириб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан текшириш учун содир этилган жиноятларга оид маълумотларни талаб қилиб олади. Ушбу тартиб-қоидадан шундай мазмун ифодаланадики, прокурорлар терговга қадар текширув органларини фаолиятини устидан назоратни амалга оширмайди ва улар томонидан амалга оширилаётган тергов ҳаракатларини давомида уларни қонунга мувофиқ ўтказилаётганлигини назорат қилмайди. Бизнинг фикримизча, ЖПКнинг юқорида таъкидланган моддаларидаги назорат субъектлар қаторига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларни ҳам киритишимиз зарур.

Жиноят ишини кўзғатиш – жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жазога ҳукм этиш ва жазолашнинг зарурий дастлабки шарти бўлиб, қонунда назарда тутилган процессуал мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва бошқа хабарларни кўриб чиқиш натижасида куйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида;
- 2) жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб жўнатиш тўғрисида.

Қабул қилинган қарор ҳақида аризачига хабар берилади.

Содир этилган ҳодисада жиноят аломатлари мавжудлигини тасдиқловчи далиллар тўпланганда ва иш кўзғатишни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, жиноят ишини кўзғатиш ҳақида қарор чиқарилади.

Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси жиноят ишини кўзғатиш ҳақида қарор қабул қилишда терговга қадар текширув органи бошлиғи

билан келишган ҳолда иш кўриши зарур. Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси чиқарадиган жиноят ишини кўзғатиш ёки кўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарорлар терговга қадар текширув органи бошлиғи томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний кучга эга бўлади.

Бироқ, терговга қадар текширув ҳаракатлари Жиноят-процессуал кодексининг 320<sup>2</sup>-моддасига асосан терговчи ва суриштирувчи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин, мазкур Кодекснинг 36 ва 38<sup>1</sup>-моддаларига асосан эса, терговчи ва суриштирувчи мустақил равишда қарор қабул қилиш ваколатига эга. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексининг 39<sup>2</sup>-моддаси олтинчи қисмига ушбу Кодекс 36 ва 38<sup>1</sup>-моддаларига асосан терговчи ва суриштирувчининг мустақил равишда қарор қабул қилиш ваколатига эгаллиги, қонунда прокурор рухсатини олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснолиги ҳақида қўшимча киритиш лозим<sup>68</sup>.

Жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги қарор ҳам бошқа қарорлар каби уч қисм: кириш, тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Кириш қисмида қарор номи, у тузилган жой ва сана, уни ким (эгаллаб турган лавозими, махсус унвони, фамилияси ва исм-шарифи) ва қайси иш бўйича чиқарганлиги қайд этилади.

Қарорнинг тавсиф-асослантириш қисми муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу қисмда ишни кўзғатиш сабаби ва асослари, яъни ҳодиса тафсилотлари, текширув натижалари, жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатлар баён этилади; қабул қилинган қарорнинг асослилигини таъминлайдиган далиллар мазмуни, жинойий қилмишга берилган ҳуқуқий баҳони акс эттирувчи хулоса, яъни Жиноят кодексининг иш кўзғатилаётган жиноятни назарда тутувчи моддаси ифодаланади; қарор чиқаришни талаб этадиган Жиноят-процессуал кодекс моддалари кўрсатилади.

Хулоса қисмида келинган тўхтам, қарор (жиноят иши кўзғатилиши ҳақидаги) баён этилади. Ушбу тўхтам кириш ва тавсиф-асослантириш қисми мазмунидан келиб чиқиши керак. Шунингдек, ушбу қисмда бошқа қарорлар, масалан, иш юритувига киришиш, манфаатдор томонларга хабар бериш ва

---

<sup>68</sup> Акрамов Ш. Жиноят ишлари юзасидан суриштирувни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Одил судлов Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, - 2018. - № 9. – 44 б.

қарор нусхасини тақдим этиш (прокурорга) ҳақидаги қарорлар ҳам кўрсатилади.

Жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги қарор аниқ, лўнда, қисқа ва асосланган бўлиши зарур. Жумладан, жиноий ҳодиса тафсилотлари ва жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мантиқий изчилликда, аниқ ва тушунарли баён этилиши, тўхтамлар ҳам аниқ ва тўғри қайд этилиши керак.

Ҳақиқий ҳолатларга мос, аниқланган маълумотлар (далиллар) билан асосланган, мантиқий изчилликда, юқори саводхонликда расмийлаштирилган қарор жиноят иши самарали юритилишига хизмат қилади.

Жиноят ишини кўзғатиш талаб этиладиган ҳолатларда терговга қадар текширувни тамомлаш асосларига жиноят ишини кўзғатиш қарори, шунингдек, жиноят иши кўзғатишнинг қонуний сабаби ва етарлича асослари мавжудлигини киритиш мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда терговга қадар текширув муддати ўтишини қутмасдан материаллар дарҳол суриштирувчига, терговчига ёки прокурорга ўтказилади:

- 1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;
- 2) гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун етарлича асослар аниқланган бўлса;
- 3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 4) суриштирувчи, терговчи текширув материалларини ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Ушбу бандларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

**1. Оғир ва ўта оғир жиноят аниқланган бўлса** – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмида оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноятлар кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ:

а) оғир жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради;

б) ўта оғир жиноятларга эса, қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Терговга қадар текширувни олиб бориш жараёнида, тўпланган далилларга кўра содир этилган қилмиш оғир ва ўта оғир жиноят содир этилганлиги маълум бўлиб қолган тақдирда, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси терговга қадар текширув давом эттирмасдан тўпланган ҳужжатларни терговчига тақдим этади.

**2. Гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асослари кўрсатилган бўлиб, ушбу модда қуйидаги мазмунда ифодаланган, яъни: эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.**

Алоҳида ҳолларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

- айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;
- ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;
- илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

- ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

– жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида қўлланилиши мумкин.

Ушбу модда талабидан келиб чиқиб, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахсга «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш зарурияти туғилганда, терговга қадар текширув тамомланиб, текширув материаллари тергов органига юборилади.

Бундан ташқари, агар терговга қадар текширув органи мансабдор шахси томонидан шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса ҳам терговга қадар текширув тамомланиб, материаллари тергов органи ихтиёрига ўтказилади.

**3. Ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса** – Жиноят-процессуал кодекснинг 373-моддаси жиноят ишини тугатиш асослари санаб ўтилган, унга кўра жиноят иши Жиноят- процессуал кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади. Терговга қадар текширувда 83-модданинг 1, 2-бандларида ва 84-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар аниқланса, жиноят иши қўзғатиш рад этилади, аммо 84-модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида белгиланган ҳолатлар аниқланиб қолса, жиноят иши қўзғатилиши шарт бўлиб, кейинчалик иш тугатилиши мумкин. Шунга кўра, терговга қадар текширув пайтида 84-модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида белгиланган ҳолатлардан биронтаси мавжудлиги аниқланганда терговга қадар текширув тамомланиб, материаллар тергов органига ўтказилади. Ушбу ҳолатларга қуйидагилар киради:

– шахс жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолганлиги;

– жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс билан ярашганда; қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай

қолган деб эътироф этилса (шахс розилиги билан);

– ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса (шахс розилиги билан);

– содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса (қонуний вакилининг розилиги билан).

**4. Суриштирувчи, терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса** – Ўзбекистон Республикаси ЖПКда қандай ҳолларда суриштирувчи, терговчи жиноят ишини ўз юритувига беришни талаб қилиши белгилаб қўйилмаган. Шундай экан, терговчи бирор-бир зарурият туфайли жиноят ишини унга берилишини оғзаки ёки ёзма равишда талаб қилган тақдирда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси жиноят ишини терговчига ўтказиши лозим<sup>69</sup>.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказишда амнистия актини қўллаш **икки хил усулда** амалга оширилиши мумкин. Амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, терговга қадар текширув материаллари суриштирувчи ёки терговчида бўлса, материаллар қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборилади. Терговга қадар текширув материаллари терговга қадар текширув органи мансабдор шахсида бўлса, материаллар қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг аризаси билан прокурорга юборилади.

---

<sup>69</sup> Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 134 б.

Бунда, 2017 йил 6 сентябрдаги Жиноят-процессуал кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмунига кўра, амнистия актига асосан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома киритилмайди.

Агар бир нечта шахсга нисбатан жиноят иши бўйича улардан лоақал биттаси амнистия актининг таъсир доирасига тушса, унга нисбатан жиноят ишининг қисми амнистия актини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш учун ЖПКнинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан алоҳида иш юритишга ажратилиши мумкин.

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза терговга қадар текширув қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган бўлса, ўша шахс томонидан терговга қадар ўтказилган текширувнинг исталган босқичида берилиши мумкин.

Прокурор суриштирувчининг, терговчининг тақдимномаси асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимоснома билан терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёхуд жиноят иши билан бирга судга юборади. Прокурор илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай судга юбориши лозим.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун асослар бўлмаган тақдирда, прокурор терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчига ёхуд терговчига қайтариш ҳақида асослантирилган қарор чиқаради. Прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят берилиши мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг илмий-назарий таҳлилларидан терговга қадар текширув институти нормалари реализациясида ҳам бир қатор муаммолар мавжудлиги кўринмоқда.

Жумладан, Сирдарё вилоят прокуратураси органларида 2017 йилнинг 6 ойи давомида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда тўла ва ҳар томонлама терговга қадар

текширув ҳаракатлари ўтказилганлиги таҳлиллар кўрсатишича, шу даврда кўриб чиқилиб, ҳал қилинган терговга қадар текширув материалларининг 663 таси ўн кун ичида, 490 таси эса бир ой ичида ҳал қилинган бўлса, прокуратура органлари томонидан келиб тушган ариза ва хабарларда жиноят ҳақида яққол маълумотлар бўлсада, кўриб чиқиш муддатини сунъий тарзда узайтириш учун ЖПК талабларини чеклаб ўтиш мақсадида хабарни “Жиноят ҳақида ариза ва хабарларни рўйхатга олиш китоби”га қайд этмасдан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш китоби”га қайд қилиб, кейинчалик рўйхатга олиш ҳолатлари юз бермоқда.

Шунингдек, мазкур даврда туман-шаҳар прокуратуралари томонидан тўлиқ ва сифатли терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ҳақида қабул қилинган 5 та қарорлар вилоят прокуратураси томонидан ўрганилган ва бекор қилинган<sup>70</sup>.

Шунингдек, Ички ишлар органлари томонидан 2019 йилнинг 12 ойи давомида келиб тушган ариза ва хабарлар сони 522,878 тани ташкил этиб, 329,541 та ариза ва хабарлар бўйича жиноят ишлари рад қилинган бўлса, 24,335 та ариза ва хабарлар бўйича жиноят иши кўзғатилган. Бу эса 2019 йилда Ички ишлар органларига келиб тушган ариза ва хабарларнинг тахминан 4,65% бўйича жиноят иши кўзғатилганлигини, 63% жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар рад этилганлигини билдиради. (илова №3)

Прокуратура органлари томонидан 2019 йилда 47,925 та жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар қайд этилиб, шундан 4166 таси бўйича жиноят иши кўзғатилган, 35,372 таси бўйича жиноят иши кўзғатишни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган, 7283 таси терговга тегишлилигига кўра юборилган. Прокуратура органлари томонидан 2019 йилда келиб тушган ариза ва хабарларнинг тахминан 8,69% бўйича жиноят иши кўзғатилган, 73,80% жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар рад этилган, яна 1,62% ариза ва хабарлар тегишлилигига кўра юборилган.

Жиноят процессининг терговга қадар текширувни жараёнидаги тизимли муаммо ва камчиликлар жинойӣ таъқибни амалга оширувчи органларининг

---

<sup>70</sup> Матмуротов А., Кенжабоев Д. Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси. –Т.:, 2018. № 2, 121-122 б.

фаолияти самарадорлигига тўсқинлик қилаётганлиги билан бир қаторда, Статистик маълумотлар таҳлили жиноятларни фoш этишга кўмаклашувчи органларнинг холислигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

### **3.2. Илғор хорижий мамлакатлар терговга қадар текширувга оид нормаларининг назарий-ҳуқуқий таҳлили ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари**

Сўнгги пайтларда мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасида олиб бораётган сиёсати, содир бўлган ўзгаришлар муносабати билан жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг халқаро майдонга интеграциялашуви жараёни тобора авж олиб бормоқда. Н.Г.Стойконинг таъкидлашича, ривожланган давлатлар тажрибасини имплементация қилиш жараёнида иштирок этаётган давлатлар жиноий-ҳуқуқий соҳасида қуйидаги муаммоларга дуч келмоқдалар:

- жиноятчиликнинг ўсиши (айниқса, бир хил турдаги ва трансмиллий жиноят);
- одил судловни молиялаштириш билан боғлиқ;
- қонунчиликнинг мураккаблиги;
- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш нуқтаи назаридан одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга талабларнинг кучайиши;
- жабрланувчиларни уларга қарши қилинган жиноятлардан самарасиз ҳимоя қилиш;
- аҳолининг жиноий одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончини йўқотиш<sup>71</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, юридик адабиётларда дунё мамлакатларида жиноят процессуал ҳуқуқини таснифлашга турли хил ёндашувлар мавжуд<sup>72</sup>.

Тадқиқот ишимизда жиноят-процессуал ҳуқуқини таснифлашда ҳуқуқий оилаларга бирлаштиришга асосланган ёндашувни танладик. Шунга мувофиқ,

---

<sup>71</sup> Стойко Н.Г. Уголовный процесс западных государств и России: сравнительное теоретико-правовое исследование англо-американской и романо-германской правовых систем: Монография. СПб., 2006. С. 6-7.

<sup>72</sup> Стойко Н.Г. Типологическое изучение английского, германского, французского и российского уголовного процесса // Правоведение. 2005. № 3. С. 118–129.

бундай таҳлил бирликлари Англо-Саксон ва Романо-Герман жиной иш юритиш турлари сифатида икки гуруҳга ажратдик.

Биринчи гуруҳнинг ёрқин вакиллари Англия ва Америка Қўшма Штатлари (АҚШ), иккинчи гуруҳ Германия ва Франция. Аниқки, ушбу мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги глобал тарихий аҳамиятга эга, асрлар давомида барқарор бўлиб келган ва дунёнинг бошқа мамлакатларининг қонун ижодкорлигига катта таъсир кўрсатганлигини яна бир бор исботлашга ҳожат йўқ.

Шу муносабат билан, юқорида айтиб ўтилган хорижий мамлакатларимизнинг бой тажрибасидан фойдаланган ҳолда, терговга қадар текширувни жиноят-процессининг таркибий элементи сифатида такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биз ўрганаётган тадқиқотни ҳисобга олиб, яқин вақтгача Совет Иттифоқи таркибида бўлган мамлакатларга эътибор қаратишни фойдали бўлади деб ҳисоблаймиз. Биз улар билан нафақат умумий тарихий ўтмиш, балки тўғри тизимни ривожлантиришнинг замонавий жараёнларининг ўхшашлиги билан ҳам боғлиқмиз.

Шу билан бирга, чет эл қонунчилигининг баъзи ҳуқуқий қоидаларини ўзлаштиришга қаратилган ҳуқуқий имплементацияни амалга ошириш жараёнида давлатимиз ва жамиятимизга хос бўлган ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа хусусиятларни инобатга олиш керак деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, бугунги мамлакатимизнинг жиноят-процессуал ҳуқуқи билан Франциянинг жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасини таққослаганда бироз бошқача фарқларни кўришимиз мумкин. Судга қадар иш юритиш босқичига келсак, фарқлар асосан босқичларнинг номи ва кетма-кетлиги билан боғлиқ. Схематик жиҳатдан буни қуйидагича ифодалаш мумкин: "жиноят тўғрисида маълумот (ариза ва хабарларни рўйхатга олиш) - суриштирув (жиноят ишини қўзғатиш) - дастлабки тергов (жиной таъқиб қилиш,)"<sup>73</sup>

---

<sup>73</sup>Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств // под ред. К.Ф. Гуценко. - М.: 2002. С. 325.

Франция Жиноят-процессуал кодексига биноан жиноят-процессининг дастлабки босқичи - бу жиноят иши қўзғатиш билан боғлиқ фаолиятни назарда тутувчи суриштирув фаолиятдан иборат. Айтиб ўтиш керакки, Франция жиноят-процессуал ҳуқуқида терговга қадар текширув деган босқич мавжуд эмас ва ушбу суриштирув босқичи айнан мамлакатимиз жиноят-процессуал ҳуқуқидаги терговга қадар текширувни англатади. Шу муносабат билан, А.И.Лубенский жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги ҳаракатни "суриштирувни дастлабки терговдан ажратиб турувчи табиий чегара" деб атайди<sup>74</sup>.

Бу кўплаб француз процессуалист олимларининг терговини мамлакатимиз жиноят-процессидаги "терговга қадар текширув" деб номланган босқичи, яъни жиний иш қўзғаш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилишдан олдин жиноят тўғрисидаги дастлабки маълумотларни текшириш бўйича ҳаракатларни олиб бориш билан таққослашлари билан тушунтиришади. Ушбу таҳлил Франция жиноят-процессуал Кодексининг суриштирув босқичини батафсил кўриб чиқишни талаб қилади.

Францияда суриштирув фаолиятининг ўзига хос хусусияти унинг турли шаклларга ажратилишидадир. Бундан ташқари, Франция жиноят-процессуал ҳуқуқи фанида ушбу шаклларни фарқлаш масаласи баҳсли деб тан олинган<sup>75</sup>.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда суриштирув фаолияти шакллари икки гуруҳга бўлинган - умумий ва махсус. Умумий суриштирув шаклларига содир этилган жиноятлар юзасидан суриштирувни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият киритилса, махсус гуруҳга жиноят содир этилганлиги аниқ бўлмаган ҳолатларда дастлабки суриштирувни амалга ошириш киради. Ўз навбатида, махсус шакллар шубҳали ўлим ва унинг шахсини аниқлаш тўғрисидаги суриштирувни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, суриштирувнинг ҳар бир тури бўйича жиноят тўғрисида маълумот олишнинг ўзига хос усуллари мавжудлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Масалан, содир этилган жиноятлар юзасидан суриштирувни амалга ошириш

---

<sup>74</sup>Лубенский А.И. Предварительное расследование по законодательству капиталистических государств. Монография., - М.: 1977. С. 8.

<sup>75</sup> Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. - М., 1995. Вестник Московского университета. №11С. 28, 29.;

(хуқуқбузарлик) бўйича суриштирув ўтказишда полиция мажбурлов чораларини ҳам ўз ичига олган кенг ваколатларга эга яъни, содир этилган жиноят тўғрисида "зарурий маълумот" бериши мумкин бўлган ҳар қандай одам қамоқга олиниши мумкин. Шу билан бирга, суриштирувни ушбу турида процессуал ҳаракатларни амалга оширишда мутлақо чекловлар мавжуд эмас. Кўп жиҳатдан, бундай чекловларнинг йўқлиги суриштируни амалга ошиувчи мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари, асосан жиноят содир этилганлигини аниқлашга эмас, балки жиноятни очишга қаратилган бўлиши зарур.

Содир этилганлиги аниқ бўлмаган ҳолатларда дастлабки суриштирув, аксинча, мажбурлаш чораларини қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Яқин вақтгача, истисно тариқасида фақат шахсни унинг жиноят содир этишида гумон қилинишига асос бўлган далиллар мавжуд бўлган ҳолда 24 соатдан ошмаган вақт давомида ушлаб турилиши эди. Бирок, ҳозир ушбу мажбурлов чорасини қўллаш жуда шартли ҳисобланади. Шунини айтиб ўтиш керакки, 2001 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Кундалик хавфсизлик тўғрисида"ги қонунга биноан, полиция суднинг рухсати билан тинтув ва олиб қўйишни амалга ошириш, прокурор розилиги билан шахсий автомашиналарни ва шахсни тинтув қилиш ҳуқуқини олди. Юқорида файд этилганлар шунини кўрсатадики, содир этилганлиги аниқ бўлмаган ҳолатларда дастлабки суриштирувни амалга ошириш ўзига хос хусусиятини йўқотмоқда: суриштирувнинг ушбу шакли ва содир этилган жиноятлар юзасидан суриштирув бўйича суриштирув ўртасидаги номувофиқлик аста-секинлик билан албатта йўқ қилинади"<sup>76</sup>.

Содир этилганлиги аниқ бўлмаган ҳолатларда дастлабки суриштирув жараёнининг муҳим хусусияти жиноят процессига хос бўлган тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процессуал фаолияти ўртасида тафовут йўқлигидир. Процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув тадбирларини ишлаб чиқариш битта мансабдор шахсга юклатилган. Бунинг натижаси, Л.В. Головки айтганидек,

---

<sup>76</sup>Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств / под ред. К.Ф. Гуценко. - М., 2002. С. 329.

француз суриштирувида Россия тезкор-қидирув фаолиятига хос бўлган хусусиятларнинг мавжудлигидир<sup>77</sup>.

Францияда жиноят-процесси биринчи босқичи суриштирувнинг тугаши полиция томонидан ҳисобот тайёрлаш ва суриштирув давомида тўпланган материалларни прокурорга топшириш билан яқунланади. Шу пайтдан бошлаб жиноят процессининг навбатдаги босқичи - жиноий таъқиб қилиш (тергов) боқичи бошланади<sup>78</sup>. Бизнинг фикримизча амалдаги қонунчилигимизда ўз ифодасини топган суриштирув фаолияти Фрасуз моделида бўлгани каби асл фаолияти яъни суриштирув билан шуғилланмайди. Бу эса жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар билан бошқа бир яъни терговга қадар текширув органларининг вужудга келишига замин яратган.

Узоқ вақт давомида Германия Федератив Республикасининг жиноий иш юритуви француз моделига мувофиқ кўрилган. Германиядаги жиноят-процессининг таркибида терговга қадар текширув мустақил аҳамиятга эга эмас. Жиноят процессининг судга қадар иш юритишда биринчи ва аслида ягона босқичи терговдир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, жиноятлар тўғрисидаги хабар ҳам полиция томонидан ўтказилган терговнинг бир қисми сифатида текширилади. Ушбу фаолият устидан назоратни прокурор амалга оширади.

Шунингдек, суд терговчиси Германия жиноят процессида иштирок этади. Унинг иштироки далилларни легаллаштириш ва ишда энг муҳим қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ<sup>79</sup>.

Бу кўп жиҳатдан, Германияда мавжуд бўлган жиноий процессуал далилларга ёндашув билан изоҳланиши мумкин. Гап шундаки, "Германия жиноят процессида одатда икки хил далил: қатъий ва эркин" далилларга ажратиш қабул қилинади<sup>80</sup>. Қатъий далиллар сифатида процессуал тартиблар асосида расмийлаштирилган ва олинган далиллар тушунилади. Ўз навбатида,

---

<sup>77</sup> Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. Монография.: - М., 1995. С. 53.

<sup>78</sup> Лизунов А.С. Доследственная проверка как часть досудебного производства: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2017. С 88.

<sup>79</sup> Калиновский К.Б. Уголовный процесс современных зарубежных государств: Учебное пособие. – Петрозаводск., 2000. С. 19.

<sup>80</sup> Филимонов Б.А. Основы теории доказательств в германском уголовном процессе: Монография. -М., 1994. С. 25.

эркин далиллар процессуал тартибга риоя қилишни талаб қилмайди, далиллар иштирокчиларига когнитив усулларни танлашда кенг эркинликни таъминлайди.

Шундай қилиб, терговга қадар текширув босқичи сифатида полициянинг билим фаолияти натижалари "соф шаклда" далил сифатида тан олинishi мумкин эмас. Шу билан бирга, қонунда суд терговчисини жалб қилиш орқали уларни қонунийлаштириш имконияти кўзда тутилган, у ҳимоя ва айблов иштирокида тергов ҳаракатлари орқали полиция томонидан тўпланган маълумотларнинг тўғрилигини ва белгиланган процессуал шаклда олинганлигини текширади. Акс ҳолда, полиция ёки прокуратура томонидан олинган маълумотлар судда далил сифатида ишлатилиши мумкин эмас. "Бундан ташқари, суд зарур эмаслиги, номутаносиблиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли полиция ёки прокуратура органининг далилни кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимосини қондиришни рад эта олмайди"<sup>81</sup>.

Германия жиноят-процессуал қонунчилигида рақобат принципи мавжуд эмаслигига қарамадан, томонларга маълум тергов ҳаракатларини бошлаш учун тенг имкониятларни таъминлашга асосланган исботлаш жараёни тамойилга тўла мос келади.

Англо-Саксон ҳуқуқий тизимидаги давлатларда (биринчи навбатда АҚШ ва Англия) жиноят ишини қўзғатиш жабрланувчининг ўзига тегишли, дахлсиз ҳуқуқи сифатида кўриб чиқилади. Аммо бу умуман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчини қўлга олиш ва жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашда бефарқ қолишларини аңлатмайди. Аслида, жиноятдан жабрланган фуқаро ўз хоҳишига кўра ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мустақил равишда (инспекторлар, хусусий терговчилар ва бошқалар билан боғланиш орқали) ташкил этишга ёки ихтисослашган давлат органларига мурожаат қилишга ҳақли эканлигини аңлатади. Бундан ташқари, айрим турдаги жиноятлар бўйича дастлабки тергов, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, полиция, прокуратура ва бошқаларнинг мутлақ ваколатларига тааллуқли бўлиши мумкин.

---

<sup>81</sup>Стойко Н.Г. Уголовный процесс западных государств и России: сравнительное теоретико-правовое исследование англо-американской и романо-германской правовых систем: Монография. СПб., 2006. С. 171.

Америка жиноят процессида судга қадар иш юритиш босқичида энг муҳим процессуал ҳужжат суд томонидан қамоқга олиш ва тинтув учун берилган санкциядир. Шуниси қизиқки, АҚШнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги "қамоқга олиш" тушунчасининг мазмуни жиноят процессида маълум бўлган мажбурлов чорасидан бир оз фарқ қилади. Фарқи шундаки, жиноят процессининг Америка моделида қамоқга олиш мустақил мажбурлаш чораси ёки ҳуқуқий институт сифатида ажратиб қўйилмаган, у қамоқга олишнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Агар жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими иштирокида содир этилган бўлса, оғир жиноят содир этилган ёки аниқ шахс томонидан содир этилган деб топиш учун асосли сабаблар бўлса, қамоқга олиш суд санкциясиз ҳам амалга оширилиш мумкин. "Бундан ташқари, АҚШнинг жиноят процессида, жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсни ҳуқуқларини чеклаган ҳолда ушлаб туриш фуқаролар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин"<sup>82</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган суд санкцияси бир вақтнинг ўзида иккита функцияни бажаради. Бир томондан, у ваколатли мансабдор шахсларга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ баъзи процессуал ҳаракатларни амалга ошириш (бизнинг жиноят-процессуал қонунчилигимиздаги кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари) ҳуқуқини берадиган рухсат берувчи ҳужжат ролини ўйнайди. Бошқа томондан, бу расмий судга қадар иш юритув жараёнини бошланишини, бошқача айтганда, маълум бир шахсга қарши жиноий таъқиб қилишни бошлашни англатади.

Кўпгина процессуалист олимларнинг таъкидлашича, "АҚШнинг жиноят процессида жиноят ишини кўзғатиш бир мансабдор шахс томонидан бажариладиган ва ижроэтиладиган процессуал ҳаракат эмас"<sup>83</sup>.

Жумладан: жиноят содир этилган деб тахмин қилиш учун етарли далиллар мавжуд бўлса, полиция ордер бериш талаби билан прокурорга мурожаат қилади. Шунингдек, прокурор полиция томонидан тақдим этилган

---

<sup>82</sup> Пешков М.А. Арест и обыск в уголовном процессе США. Монография.: - М., 1998. С. 59.

<sup>83</sup> Махов В.Н., Пешков М.А. Уголовный процесс США (досудебные стадии): Учебное пособие. - М., 1998. С. 51.

маълумотларга уларни олиш усулларининг қонунийлиги нуқтаи назаридан баҳо беради ва уларни келгусида мумкин бўлган суд жараёнида далил сифатида фойдаланишга рухсат берилиши натижасида баҳолайди ва қарор қабул қилади.

С.Д. Шестаков таъкидлаганидек, прокурор жиноий таъқиб қилишни бошлаш тўғрисидаги қарорни иккита фикрдан келиб чиқиб қабул қилади.

1) айбланувчи деб эътироф этиш учун етарли далилларнинг мавжудлиги;  
2) содир этилган жиноят ва уни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноий жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқлиги<sup>84</sup>. Ўз навбатида, жабрланувчи судда прокурорнинг қарорига эътироз билдириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Таъкидлаш жоизки, прокурор, процессуал қонун ҳужжатларига номувофиқ тўпланган ёки қонунийлигига жиддий шубҳа туғдирадиган далилларни иш материалларига қўшиб қўймаслик ҳуқуқига эга.

Шуни таъкидлаш керакки, ордер олинмагунча, полиция фаолияти давомида далиллар тўплаш ҳуқуқига эга эмас. Полиция текшируви давомида олинган маълумотлар судда тасдиқланганидан кейингина, эҳтимолий қийматга эга бўлади. Полициянинг процессуал қобилиятини белгилайдиган муайян ҳуқуқий тартибга солиш мавжуд бўлсада, қоида тариқасида, ушбу босқичда воқеа жойи текширилади, объектлар ва ҳужжатлар текширилади, сўроқ ўтказилади ва яширин кузатув тезкор-қидирув ҳаракати ўтказилади. Полициянинг ушбу ҳаракатларини тергов деб бўлмайди, балки, терговга қадар текширув сифатида баҳолаш мумкин.

Англия судга қадар иш юритуви ҳам худди АҚШда бўлгани каби, жараённинг аниқ бўлинишига эга эмаслиги билан ифодаланади. Унинг асосий таркибий қисми бу полиция терговидир, унинг давомида полиция жиноят тўғрисида маълумотга эга бўлиб, гумон қилинувчини аниқлайди ва унинг айбига оид далилларни тўплайди, бу эса баъзи ҳолларда процессуал мажбурлов чораларини қўллашни истисно қилмайди.

---

<sup>84</sup> Шестаков С.Д. Публичные, частные и дискреционные начала в уголовном процессе США и России: сравнительно-правовой анализ // Российский следователь. 2003. №7. С. 48.

Жиноят содир этган шахсни аниқлашга ва унинг айбдорлигини тасдиқловчи маълумот тўплашга қаратилган процессуал усуллар ҳам АҚШ тартиб-қоидаларга ўхшашлиги характерлидир. Иккала мамлакатда ҳам ушбу фаолият кўпроқ норасмий характерга эга, уни давлат ҳокимияти идоралари мустақил равишда ҳам, жабрланган шахс ёки унинг адвокати иштирокида ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ушбу босқичда гумон қилинувчига нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш маълум хусусиятлар билан тавсифланади. Аҳамиятли томони полицияни шахсни жиноят содир этишда гумон қилиб қамоққа олишдир. Ушбу чора қисқа муддатли. Англия қонунчилигига кўра, у 24 соатдан ошмаслиги керак. Бироқ, алоҳида тоифадаги жиноятлар учун бу муддат 36 соатгача узайтирилиши мумкин. Муддатни кейинчалик узайтиришга фақат суднинг розилиги билан йўл қўйилади<sup>85</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, қоида тариқасида қамоққа олиш фақат суд санкциясини (рухсатнома) олингандан кейингина амалга оширилади. Шу билан бирга, ишларнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб полиция суднинг санкциясиз ҳам қамоққа олиш ҳуқуқига эга.

Суднинг санкциясиз қамоққа олиш мажбурлов чорасини амалга оширишда қонун нормаларига риоя этилишини назорат қилиш функцияси суд идорасига алоқаси бўлмаган махсус мансабдор шахс - "кузатувчи офицер" томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, "Хабеас Корпус" институтининг талабларига мувофиқ, қамоққа олингандан сўнг дарҳол қамоққа олинган шахс унга нисбатан тегишли мажбурлов чораларини қўллаш қонунийлигини текшириш учун судга топширилиши керак. Аммо, айрим тадқиқотчилар таъкидлаганидек, "унинг замонавий инглиз жиноят процессидаги роли жуда кичик"<sup>86</sup>.

Қамоққа олинган вақтдан бошлаб қамоққа олинган шахснинг адвокати ҳимояси остидаги шахсни ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш чораларини

---

<sup>85</sup> Лизунов А.С. Доследственная проверка как часть досудебного производства: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2017. С 94.

<sup>86</sup> Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств / под ред. К.Ф. Гуценко. М., 2002. С. 108.

кўради, бу гумон қилинувчининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўшимча муҳим кафолати ҳисобланади.

Диққатни тортадиган навбатдаги мажбурий чораси - бу тинтувдир. Қамокга олишдан фарқли ўлароқ, тинтув суднинг розилиги талаб қилинади. Шу билан бирга, қонун суд қарорисиз тинтув ўтказилиши мумкин бўлган баъзи ҳолатларга нисбатан изоҳ беради.

Буларга, масалан: қамокга олиш билан боғлиқ қидирув; шахсий қидирув; автоуловни қидириш ва ҳк. Бу кўрсатилган процессуал ҳаракатларнинг шошилинчлигидан келиб чиқади.

Полиция терговининг якуний босқичида ишни Қироллик хизматиға топшириш ёки жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Иккинчи ҳолда, қарорға қонуний асослар (масалан, жиноят таркибининг йўқлиги) ёки жиноят фош этилмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Жиноят процесси доирасида бир қатор хорижий мамлакатларнинг жиноят процессуал қонунчилигидаги қонун ҳужжатлари ва тартибга солиш хусусиятларини таҳлил қилиб, уларнинг муайян ҳуқуқий тизимга алоқадорлигидан қатъи назар, ушбу мамлакатларнинг барчасига хос бўлган умумий тамойилни ажратиб олишимиз мумкин:

- кўриб чиқилаётган мамлакатларда жиноий жавобгарликни кўзғатиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар, жиноий процесснинг алоҳида босқичига ажратилмаган;

- процессуал мажбурлаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларнинг суд томонидан назорат қилиниши;

- судга қадар иш юритишда процессуал ҳаракатлар прокурорға бевосита бўйсунадиган полиция ходимларига юклатилади;

- кўриб чиқилган барча миллий ҳуқуқий тизимларда жиноят ишини кўзғатиш тартиби қонунийлик ва жиноий таъқибнинг мақсадга мувофиқлиги принципининг уйғунлигига асосланган.

МДХ давлатларига кирувчи Қозоғистон ва Россия жиноят процессуал қонунчилиги нормаларига қарайдиган бўлсак, 2014 йилда Қозоғистон Республикасининг янги Жиноят-процессуал кодекси кучга кирди. Қонунни

тайёрлаш босқичида Л.В. Головки қонун лойиҳасининг концептуал йўналиши тўртта асосий муаммони эчишга қаратилганлигини таъкидлади. Муаллифнинг биринчи иккитаси сифатида қуйидагилар келтирилган: 1) жиноят иши қўзғатиш босқичининг тўлиқ қайта форматланиши, бу эса ушбу босқичнинг рад этилишига олиб келади; 2) жорий тергов ва дастлабки терговни янги "дастлабки тергов" доирасида бирлаштириш ва бир вақтнинг ўзида уни амалга оширувчи органлар фаолияти устидан суд назоратини кенгайтириш.

Ушбу қонун қабул қилиниши билан Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан терговга қадар текширув (жиноят иши қўзғатиш) босқичи чиқариб ташланди. Судга қадар иш юритув жараёнида жиноят тўғрисидаги хабарни ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланиб (Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг 179-моддаси), суриштирув органларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларга мувофиқ жиноий ҳуқуқбузарлик белгилари ва уларни содир этган шахсларни аниқлаш, жиноий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун зарур жиноий процессуал-қидирув чораларини кўриш ва дастлабки тергов зарур бўлмаган ҳолларда, ушбу Кодекснинг 191-моддасида назарда тутилган тартибда суриштирувни амалга ошириш ваколатлари берилди. Судгача бўлган тергов муддати ариза ва хабар ягона реестрида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, жиноят иши прокурорга айблов ҳулосаси билан юбориш, ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисидаги ёки иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган кунгача ҳисобланади<sup>87</sup>.

Терговга қадар текширув фаолиятининг Россия Федерацияси тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, жиноятга оид хабарларни текшириб чиқиш тартиби бизнинг Жиноят-процессуал кодексимиздан фарқли ҳисобланади, ҳамда кенгрок келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг 18-декабр 2001-йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексининг 144-моддасида жиноятга оид хабарларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, ушбу модданинг биринчи қисмида терговга қадар текширув

<sup>87</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.01.2020 г.) <http://online.zakon.kz> (дата обращения: 02.05.2020).

фаолиятининг дастлабки бошқичида суриштирувчи, суриштирув органи бошлиғи, терговчи, тергов органи бошлиғи томонидан келиб тушган жиноятга оид хабарлар 3 суткалик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим деб белгиланган. Бу эса келиб тушган жиноятга оид хабарларни қисқа муддатда ўрганиб чиқилишига ва якуний қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал ҳуқуқига кўра терговга қадар текширув фаолиятига қуйидагича таъриф беришади: “терговга қадар текширув жиноят процессининг биринчи босқичи деб аталади, унда ҳуқуқ-тартибот идоралари жиноятлар тўғрисидаги барча хабарларни текширишни, жиноят аломатлари мавжудлигини аниқлайди ва натижада жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади”. Ушбу таърифга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятга оид келиб тушган ҳар қандай хабарни 3 суткалик муддатда ўрганиб чиқиши лозим, яъни, терговга қадар текширув жиноятга оид келиб тушган ҳар қандай хабарга кўра ўтказилади ва якуний қарор қабул қилинади<sup>88</sup>. Ушбу белгиланган дастлабки муддат бизнинг жиноят қонунчилигимиздан фарқ қилади. Яъни бизнинг жиноят қонунчилигимизда жиноятга оид хабарларни текшириб чиқиб тегишли муносабат билдириш учун 10 суткалик муддат белгиланган. Бундан ташқари Россия Федерациясининг жиноят қонунчилигига кўра терговга қадар текширув фаолияти давомида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларидан экспертиза текширувида суриштирувчи ёки терговчининг иштирок этиши мумкилиги ва ҳужжатларни, нарсаларни, мурдаларни текширишда мутахассис жалб қилиш ҳуқуқи бизнинг жиноят қонунчилигимиздан фарқ қилади.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 144-моддаси иккинчи қисмига тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда: “Жиноят процессини текшириш жараёнида ишда иштирок этаётган шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан тушунтирилади ва ушбу ҳуқуқбузарликлар ва процессуал қарорлар уларнинг манфаатларига, шу жумладан ҳуқуқларга таъсир этиши ушбу Кодекснинг 5-моддаси 4-бандига

---

<sup>88</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 г. N 174-ФЗ // <http://upkodeksrf.ru/> (дата обращения: 02.05.2020).

биноан ўзига, унинг турмуш ўртоғига (турмуш ўртоғига) ва бошқа яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас, адвокат хизматидан фойдаланиш, шунингдек суриштирувчи, суриштирув органи раҳбарининг, терговчи, тергов органи раҳбарининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан ушбу кодекснинг 16-бобида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли. Жиноят тўғрисидаги хабарни текширишда иштирок этувчи шахслар ушбу Кодекснинг 161-моддасида белгиланган тартибда судгача иш юритишни ошқор этмаслик тўғрисида огоҳлантирилиши мумкин. Зарурат бўлганда, дастлабки тергов иштирокчиларининг хавфсизлиги ушбу Кодекснинг 166-моддаси 9-бобида белгиланган тартибда, шу жумладан жиноят тўғрисидаги хабарни олганида таъминланиши таъкидлаб ўтилган.

Жиноятни тергов қилиш чоғида олинган маълумотлар ушбу Кодекснинг 75 ва 89-моддаларида назарда тутилган қоидалар кўзда тутилган ҳолларда далил сифатида қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари жиноят ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳаётига хавф туғилиши мумкин бўлган ҳолларда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирларининг кўрсатиб ўтилганлигини, жиноятга оид хабарларни текшириб кўришда иштирок этувчи шахсларнинг ўз яқинларига қариши кўрсатма беришга мажбур қилинмаслигини, ҳамда ҳимоячи ёки жабрланувчининг такрорий экспертиза ўтказишни сўраб қилган аризасини албатта қондирилиши терговга қадар текширув ўтказилаётганда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини етарлича ҳимоя қилишга қаратилгандир ва бу тартиб-таомиллар бизнинг жиноят қонунчилигимиздан фарқли жиҳатлари ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз жиноят қонунчилигимизда жабрларнувчи ёки бошқа шахсларнинг илтимосига кўра такрорий экспертиза ўтказиш тўғрисидаги аризасини албатта қаноатлантириш тартиби ва терговга қадар текширув жараёнида иштирок этаётган шахсларнинг ҳаётига хавф туғилган ёки уларга қарши қаратилган таъсирлардан ҳимояланиш тартиби кўрсатиб ўтилмаган ва бу қоидаларнинг жиноят-процессуал кодесимизга талқин этилиши орқали жиноят ҳақида хабар берган шахсларнинг даҳлсизлиги таъминланишига эришиш мумкин.

Россия Федерацияси ЖКнинг 154-моддасига мувофиқ терговга қадар текширув натижалари бўйича қуйидаги қарорларидан бири қабул қилинади: ушбу кодекснинг 146-моддасида белгиланган тартибда жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки келиб тишган хабарда жиноят таркиби йўқлиги сабабли ушбу хабарни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга юбориш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда аризага маълум қилинади.

Хорижий мамлакатлар мавжуд қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят-процессуал қонунчилигидаги кенг қамровли ислохотлар ҳақида ўйлаш вақти келди. Терговга қадар текширувни такомиллаштириш билан боғлиқ ислохотлар шулар жумласидан.

## ХУЛОСА

Жиноят-процессуал ҳуқуқига оид юридик адабиётларни, терговга қадар текширув юзасидан амалиёт натижаларини, статистик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш судга қадар иш юритишнинг терговга қадар текширув босқичи юзасидан жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга асос бўлди.

### **1. Жиноят-процессуал қонунчилигини ривожлантириш юзасидан тавсиялар:**

1) Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида муружаатларнинг янги шакли – электрон муружаатлар жорий этилмоқда. Лекин мазкур тушунча ҳуқуқни қўллаш амалиётида аризаларга тенглаштирилган ҳолда кўриб чиқилаётган бўлсада, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатга олиш ва қонуний қарор қабул нуктаи назаридан жиноят-процессуал қонунчилигида ўз аксини топмаган. Бизнинг фикримизча, ортиқча расмийчилик ва қоғозбозликни олдини олиш мақсадида нафақат жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни электрон шаклда юритиш балки, жиноят процессида мавжуд бошқа процессуал ҳаракатларни ҳам электрон шаклда юритиш вақти келди.

### **2. Жиноят-процессуал қонунчилигини ривожлантириш юзасидан таклифлар:**

1) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентабрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан жиноят-процессуал қонунчилигимизда терговга қадар текширув институти жорий этилганлиги ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар жиноят процессининг субъекти этиб белгиланганлиги сабабли, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларни ЖПКнинг 17-моддасида келтириб ўтилган жиноят-процессида шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт бўлган субъектлар қаторига киритиш лозим. (Илова №4).

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 27-моддасида жиноят процессининг Терговга қадар текширув босқичида шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилган тақдирда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахснинг процессуал ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берувчи нормани киритиш зарур. (Илова №4).

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 33-моддасида жиноят процессининг Терговга қадар текширув босқичини қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишга маъсул бўлган прокурорларнинг назорат объектига киришини тартибга солувчи нормани киритиш зарур. (Илова №4).

4) Жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар тегишлилигига кўра юборилганда, мурожаатни тегишлилигига кўра қабул қилиб олишда бошқа терговга қадар текширувни амалга оширувчи органи ҳам муддатни ЖПК талабидан келиб чиққан ҳолда ўн кунлик доирада олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақида мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши кўрсатилган. Лекин мазкур қонуннинг 1-моддасида қонуннинг амал қилиш, кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган. Бу шундан далолат берадики, ушбу қонунда кўрсатилган муддат жиноят-процесси нормаларига татбиқ этилмайди. Шу сабабли ҳам ЖПКда ариза ва хабарларни тегишлилиги бўйича юборишни тартибга солувчи норма киритилиши зарур.

5) Жиноят-процессуал кодекси 39<sup>2</sup>-моддасининг олтинчи қисмида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахснинг

қарорлари мазкур орган бошлиғи томонидан тасдиқланиши белгиланган. Бироқ, терговга қадар текширув ҳаракатлари Жиноят-процессуал кодексининг 320<sup>2</sup>-моддасига асосан терговчи ва суриштирувчи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин, мазкур Кодекснинг 36 ва 38<sup>1</sup>-моддаларига асосан эса, терговчи ва суриштирувчи мустақил равишда қарор қабул қилиш ваколатига эга. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексининг 39<sup>2</sup>-моддаси олтинчи қисмига ушбу Кодекснинг 36 ва 38<sup>1</sup>-моддаларига асосан терговчи ва суриштирувчининг мустақил равишда қарор қабул қилиш ваколатига эгаллиги, қонунда прокурор рухсатини олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснолиги ҳақида қўшимча киритиш лозим.

6) Тафтиш юзасидан тўпланган маълумотларга асосланиб жиноят иши қўзғатилиши мумкинлиги ва тафтиш далилларни тўплаш усули ҳисобланганлиги сабабли тафтиш юзасидан шакллантирилган далолатнома ҳам юридик кучи нуқтаи назаридан ЖПК нормаларида далил манбаси сифатида ўз ифодасини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, ЖПКнинг “Далилларнинг турлари” деб номланган 81-модданинг 2-қисмида “эксперт хулосаси” деган сўзлардан кейин “тафтиш юзасидан мутахассиснинг далолатномаси” сўзларини киритиш лозим. (Илова №4).

7) Жиноят-процессуал Кодексининг кўздан кечиришни белгиловчи нормаларида шахснинг баданини кўздан кечириш тўғрисидаги тартиб белгиланмаган. Шахснинг баданини кўздан кечириш ЖПКнинг 142–147-моддалари асосида ўтказилиши мумкинлиги, яъни, шахснинг баданидаги жиноятнинг излари, тирналган, шилинган, қонталаш жойлар ва доғларни аниқлаш жиноят-процессуал ҳуқуқда фақат гувоҳлантириш тергов ҳаракати натижасида аниқланиш белгиланганлигини ҳисобга олиб, ЖПКнинг 329-моддасида белгиланган кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари қаторига гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ҳам киритишни таклиф этамиз. (Илова №4).

8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг Жиноят-процессуал Кодексига тушунтириш олиш тартиби келтириб ўтилмаганлиги сабабли Жиноят-процессуал Кодексига тушунтириш олиш тартибини назарда тутувчи янги нормани киритиш зарур. (Илова №4).

9) Амалдаги Жиноят-процессуал Кодексимизнинг 329-моддасига мувофиқ кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари қаторига экспертиза ўтказиш тергов ҳаракати ҳам киритилган, бироқ экспертиза текшируви учун намуналар олиш (ЖПК 23-боб) тергов ҳаракати кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида киритилмаган ваҳоланки, тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, ўсимликнинг, буюмнинг, материалнинг ёки модданинг хусусиятларини намуналар олмасдан туриб экспертиза ўтказишнинг имкони йўқ. Шу сабабли ҳам ЖПКнинг 329-моддасида белгиланган кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари қаторига экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини ҳам киритишни таклиф этамиз. (Илова №4).

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/-20596?> (Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил).

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111460> . (Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил).

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111453>. (Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил).

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаГ Қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/-3336169> . Мурожаат этилган сана (15.04.2020 йил).

5. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/-2107763>. (Мурожаат этилган сана 17.04.2020 йил)

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш КОНЦЕПЦИЯСИ // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018-й., 06/18/5547/1975-сон) <https://lex.uz/docs/3735818> . (Мурожаат этилган сана 15.04.2020 йил)

7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М. Мирзиёев.

– Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 48-б.

## II. Монография, илмий мақола ва тўпламлар

1. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилишда ҳимоячи иштирокини такомиллаштириш масалалари // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Масъул муҳаррир юридик фанлари доктори А.А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -314 б.

2. Матмуротов А., Кенжабоев Д. Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси. –Т.:, 2018. № 2, -163 б.

3. Пўлатов Б. Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. –Т.: 2017№ 7. – 244 б.

4. Тўйчиев А.А. Терговга қадар текширув жараёнида ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланишнинг амалий муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011 й. – № 3. - 238 б.

5. Ражабов Б.А. Жиноят-процессуал гувоҳлантириш – жиноятнинг очилишига ёрдам берувчи кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Масъул муҳаррир юридик фанлари доктори А.А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -314 б.

6. Акрамов Ш. Жиноят ишлари юзасидан суриштирувни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Одил судлов. Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, - 2018. - № 9. – 65 б.

7. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Монография. - Т.:ТДЮУ, 2018. – 407 б

8. Бердиалиев Б.Э. Ишни судга қадар юритиш тартибини соддалаштиришга оид айрим мулоҳазалар// Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш

кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Масъул муҳаррир юридик фанлари доктори А.А. Отажонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 315 б.

9. Ўразаев Ш.З. Қонун устунлигини таъминлаш – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили // Ҳуқуқ – Право – Law. – Т.: 2001. – № 3 (15). – Б. 146.

10. Стойко Н.Г. Типологическое изучение английского, германского, французского и российского уголовного процесса // Правоведение. 2005. № 3. С. 193.

11. Лубенский А.И. Предварительное расследование по законодательству капиталистических государств. Монография., - М.: 1977. С. 163.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

1. Миразов Д. М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 75 б.

2. Терговга қадар текширувни юритиш: Ўқув-амалий қўлланма /Тузувчи-муаллифлар: И.Ж. Бабамурадов, Б.Э. Бердиалиев, М.А. Саттаров, А.А. Султонов; Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири генерал-майор П.Р.Бобожоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2018. – 122 бет.

3. Рашидов Б. Н. Терговга қадар текширув: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 149 б.

4. Закурлаев А.К., Базарова Д. Криминалистика. // Дарслик. – Тошкент.: ТДЮУ, 2015. – 300 б.

5. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов чоралари. // Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2006. – Б. 128.

6. Статкуса В.Ф. Следы на месте происшествия: // Справочник следователя. - М.: ЭКЦ МВД России, 1991. - С. 53.

7. Сахаддинов С. “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар” (Махсус қисм) (Илмий-амалий шарҳ) – Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2014. 459-бет.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

1. Кадирова М.Х. Жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш: зарурият ва имкониятлар. /12.00.09 – Жиноят процесси; криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси. автореф.дис...юрид.фан.ном. – Тошкент, 2011. – 233 б.

2. Тулаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: автореф. дис. док. юрид....фан. Тошкент, 2009.- 211б.

3. Файзиев Ш.Ф. Суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш муаммолари: автореф. дис. док. юрид....ном. Тошкент, 2009. – 207 б.

4. Лизунов А.С. Доследственная проверка как часть досудебного производства: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2017. С 207.

5. Тарзиманов В.М. Процессуальные аспекты проведения проверки сообщения о преступлении : автореф. ... дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 / Тарзиманов Вадим Мухтарович. – Челябинск, 2014. – 28 с.

6. Гаджиев Я.А. Стадия возбуждения уголовного дела в системе Российского уголовного судопроизводства: автореф. ... дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09 / Гаджиев Яхья Анверович. – Москва, 2015. – 214 с.

#### **V. Интернет манбалари**

1. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.01.2020 г.) <http://online.zakon.kz> (дата обращения: 02.05.2020).

2. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 г. N 174-ФЗ // <http://upkodeksrf.ru/> (дата обращения: 02.05.2020).